


А. Салиев, Н.Н. Ходимов

**МАРКЕТИНГ, БИЗНЕС РЕЖА,
ВА ТАДБИРКОРЛИК ТАЯНЧ
ТУШУНЧАЛАРИ, ТЕСТЛАР**



61.01
c16

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

61.01

c16

б/н

Солиев А.
Халилов Н.Н.
Маркетинг, бизнес
рета, ва тадбиркор-
лик талуг түшүнчө-
лари, тестлар.

Т., 2001

866с

А. Солиев, Н.Н. Халилов

МАРКЕТИНГ, БИЗНЕС РЕЖА,
ВА ТАДБИРКОРЛИК ТАЯНЧ
ТУШПУНЧАЛАРИ, ТЕСТЛАР

42353

DIZIMGE ALI'NDI'-2010

Ташкент - 2001 йил

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан назарий асосланган бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтиш тамойилларининг амалиётга татбиқ этиш жараёни таълим тизимида ҳам «Ўзбек модели»ни яратишга олиб келди. Унинг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги янги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида (1997 йил август) ўз ифодасини топди. Ҳозир мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади — жаҳон андозаларига мос келадиган ва бозор иқтисодиёти талаблари даражасида эркин ва мустақил фикр юрита оладиган мутхассислар тайёрлашдан иборат. Ана шу вазифаларни бажариш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги 194 сонли (8 июнь 1999 йил) буйруги билан Талабалар билимини рейтинг тизими орқали баҳолашни жорий этди ва шу тўғрисидаги маҳсус Низомни тасдиқлади. Рейтинг тизими билан талабалар билимини баҳолашга ўтиш талабаларни фақат ўкув семестрлари охирида, имтиҳон сессиялари давридагина эмас, балки бутун ўкув жараёни давомида мунтазам ишлашга мажбур қиласди. Талаба ўқитилаётган фанлардан бериллаётган жорий топшириқларни бажаришга ижодий ёндашиши, асосий ва қўшимча адабиётларни ўрганиши ва шу орқали мустақил фикр юритиш қобилийтини шакллантиришга рейтинг тизими катта таъсир кўрсатади.

Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида «ЁЗМА ИШ» ўтказиш усулининг жорий этилиши эса ўтилган фанларнинг асосий ибораларини талаба тўла ва мустахкам ўзлаштириш, ўз фикрини мустақил ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб беришини талаб этади. Бу ўз наебатида, профессор-ўқитувчилар ҳам ҳар бир фаннинг таянч ибора — тушунчаларини маъруза ва амалиёт дарсларида ҳар томонлама назарий асослаб беришларини тақозо этади.

Мазкур китоб «Маркетинг-бозоршунослик», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанларининг таянч тушунчалари бўйича рейтинг тизимининг якуний босқичида «ЁЗМА ИШ» топширувчи олий ўкув юртлари талабаларига ҳамда шу фанларни ўрганувчи колледж ва бизнес мактаблари ўкувчиларига қўлланма сифатида тавсия этилади. *an'ndagi' NMP*.

Тақризчилар:

Шер Сулаймонов, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Давлат Куббиеv, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ОДДИ ЗИКР № 7

BERDAQ ATINDAGI QARAQALPAQ
MAMLEKETLICK UNIVERSITETI
FUNDAMENTALI KITAPXANASI

Масъул муҳаррир А. Солиев

Нашрга тайёрловчи Н.А. Халилов

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирмегининг «Ўкув адабиётлар, журнал ва бюллетенларни нашрга тайёрмаш» марказида тайёрланди.

Босишга руҳсат этилди: 04.01.2001 й. Бичами 84x108^{1/32}. Офсет қозози. Шартли босма тобоги 8,75. Адади 5000. Буюртма ____.

ООО «KAMALAK-PRINT» 700069. Тошкент ш., Широқ 2.

INVENTAR №

42353

МУҚАДДИМА ЎРНИГА

Иқтисодиёт юонча сўздан олинган бўлиб уй хўжалигини юритиш ва бошқариш санъати демакдир. Бу унга берилган биринчи ва жуда қадимги таъриф. Инсон туғилиб оила куриб, уй-рўзгор юрита бошлаган пайтдан уни бошқариш зарурити туғилади.

Оилалар иқтисодиётигининг барқорорлашуви натижасида астаскинлик билан ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши урургарни, жамоаларни, уюшмаларни, давлатларни шакллантириди. Бу эса ўз навбатида, уларнинг хар бири хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш заруриятини түгдирди. Шундай қилиб, иқтисодиёт ҳам инсоният ва жамият тараққиётига мос равища ривожланиб борди. У оддий уй хўжалигини юритиш ва бошқариш санъатидан жамоалар, худудлар ва давлат хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш санъати даражасига етди.

Хозирги пайтда иқтисодиётни бир қанча йўналишда қараш мумкин. Жамият нуқтаи назаридан оладиган бўлсак, бу иборага қўйидагича таъриф бериш мумкин. Иқтисодиёт жамиятнинг иқтисодий базиси бўлиб, маълум бир тарихий тараққиёт даврига тўғри келадиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва товар-пул муносабатларининг мажмунини ўз ичига олади.

Иқтисодиёт энг аввало жамиятнинг моддий базисидир. Буни қандай тушунмоқ лозим? Бизни ўраб турган олам инсоният учун унинг яшашини таъминлашга мўлжалланган Аллоҳнинг инояти ва моддий неъматидир. Аммо уни ўзлаштириш учун инсоният шу Аллоҳ неъматларидан оқилона фойдаланиши лозим. Ана шу жарайён меҳнат орқали амалга оширилади. Табиат билан инсон ўргасидаги кўприк меҳнатидир. Агар моддий неъмат — иқтисодий бойлик бўлмаса инсон ўз эҳтиёжини қондира олмайди.

Иқтисодиёт тушунчаси ҳам тарихий тараққиётга боғлиқ. Бу бежиз эмас. Тараққиёт жамиятнинг иқтисодий базиси ўзгариб туришини тақазо қиласа, у ҳам ўз навбатида, ишлаб чиқариш муносабатларини ўзgartириб туради. Масалан, қадимги одамлар бир-бирларининг эҳтиёжини қондирish учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотининг ортиқча қисмини бошқа бир кишининг

ортиқча маҳсулотига алмаштирган. Бу оддий товар алмаштириш натурал хўжалик деб аталган.

Кейинчалик оддий алмаштириш ўрнига бир қанча алмаштирувчи воситалар ишлатилади. Улардан бири пулдир. Шу туфайли олдинги натурал алмаштириш муносабати ўрнига товар-пул муносабати вужудга келди. Демак, жамият тараққиётини билан бирга иқтисодий муносабатлар ҳам ўзгариб борар экан. Иқтисодий муносабатларнинг асосида ҳам ишлаб чиқариш муносабатлари ётади.

Иқтисодиётга ҳалқ хўжалиги нуқтаи назаридан қаралса, бу шу жамият хўжалиги тармоқлари мажмуасидан иборат демакдир.

Чунки жамият тараққиётини меҳнат тақсимотини вужудга келтиради. Гўруҳ-гўруҳ кишилар маълум касбкорлик билан шугулланади. Бу охир оқибатда ҳалқ хўжалигининг маълум бир тармоғини вужудга келтиради. Масалан, ишлаб чиқариш билан шугулланувчилар ишлаб чиқариш тармоғини, маҳсулотни сочувчилар савдо тармоғини, қурувчилар қурилиш тармоғини, тиккувчилар тикувчилик тармоғини вужудга келтирадилар.

Иқтисодиёт иқтисодий жараёнлар орқали содир бўлади. Бизни ўраб турган олам инсониятга ўз-ўзидан бўйсуниб, ўз неъматларини келтириб бермайди. Уни ўзлаштириш иқтисодий муносабатлар орқали амалга оширилади. Айнан шу муносабатлар иқтисодий жараённи ташкил қиласди.

Иқтисодий жараён деганда инсоният ўз эҳтиёжини қондирish учун меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиб, меҳнат қилиш орқали бизни ўраб турган моддий неъматларни истеъмол қилиш даражасига етказиши тушунилади.

Иқтисодий жараённи асосий субъектлари бўлиб меҳнат воситалари (унинг асосий қисми моддий-техника базаси), меҳнат предметлари (айланма маблағлар: маҳсулот, товар, хом ашё, пул кабилар) ва меҳнатнинг ўзи (ходимлар, мутахассислар каби) ҳисобланади. Бунинг бирортаси бўлмаса, тўлиқ маънодаги иқтисодий жараён содир бўлмайди. Шу туфайли иқтисодий жараённи амалга ошириш учун албатта унинг барча субъекти бўлиши ва уларни узлуксиз такомиллаштириб бориш лозим. Чунки инсон эҳтиёжининг чегараси йўқ. Аммо бизга берилган моддий олам эса чекланган. Шу туфайли ҳамиша боридан тежаб-тергаб самарали фойдаланиши лозим. Натурал иқтисодиётнинг асосида оддий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, ортиқча маҳсулотни бошқа кишининг ортиқча маҳсулотига эркин равища алмаштириш ва оддий турмуш кечириш ётади.

Режали иқтисодиёт собиқ СССР ва бирқанча социалистик тузумдаги мамлакатларда амал қиласр эди.

Режали иқтисодиёттинг асосий мазмуни шундан иборатки, ишлаб чиқариш ва истеъмол олдиндан марказлашган ҳолда режалаштирилади. Давлатнинг бутун иқтисодий сиёсати иқтисодиётни режалаштириш орқали юқоридан пастга қараб амалга оширилар эди. Бунда товар, пул, кредит, талаб, таклиф ва бошқа бозор категориялари ўта чегараланган эди. Ҳар қандай фаолият учун режасидикланмаса ёки у режага киритилмаса, у амалга ошмасдан тасдигини кутиб турар эди. Бу кескин ўзгаришлар даврига келиб ўзини оқламади ва обьектив равишда барбод бўлди. Чунки режали иқтисодиёт аҳолининг хилма-хил барча талабини ҳисобга ола олмай қолди, уни моддий рағбатлантиришни йўлга кўя олмади, мулкка муносабатни ўзgartира олмади ва натижада ўта лоқайдлик хиссиятни кучайтиргди.

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф қонунига асосланган эркин иқтисодиёт бўлиб, уни марказлашган ҳолда бошқарилмайди. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини қандай қилишни, нимага йўналтиришни ўзи бозор талаби асосида ҳал қиласди. Нимани, қанча ва қандай ишлаб чиқариш, уни кимларга ва қайси нархда сотиш корхонанинг ўз иктиёрида. Буларнинг ҳаммаси бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёттага ўтишнинг асосий шартлари: кўп мулкчиллик (унда асосий ўринни хусусий мулк эгаллаши); эркин иқтисодий фаолият, эркин рақобат, эркин тадбиркорлик; эркин нарх ва ҳ.к.

Аралаш иқтисодиётда барча ўзидан олдинги иқтисодиёттинг белгилари бўлади. Иқтисодиёттинг қайсиdir қисми эркин ва қайсиdir қисмини давлат бошқаради. Иқтисодиёт умуман олганда соф бозорли ёки соф режали бўлиши қийин. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида бозор иқтисодиёти элементлари ҳам бор эди. Узоқ йиллардан бўён бозор иқтисодиёти шароитида яшаганларнинг ҳам бир қисмiga давлат аралашади. Аммо Ўзбекистонда рёжали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёттага ўтиш даврида яшаемиз.

Иқтисодиёт кўлами бўйича «макро» ва «микро» иқтисодиётларга бўлинади.

Макро тушунчаси қадимги юонча сўздан олинган бўлиб, узун, йирик деган маънони билдиради.

Макроиқтисодиёт деганда йирик, турли соҳалар билан шугулланадиган хўжалик юритиш санъати тушунилади. Йирик

хўжаликка худудлар, шаҳарлар, мамлакатлар ҳаттоқи жаҳон хўжалиги ҳам киради. Буларнинг иқтисодиётини бир сўз билан лўнда қилиб макроиқтисодиёт дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини яхлит ҳолда бир мустақил давлатнинг макроиқтисодиёти дейиш мумкин.

Давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш учун энг аввало макроиқтисодий барқарорликни таъминлаши лозим: ишлаб чиқаришнинг пасайишини тұхтатиш, ишсизликнинг кўпайишини ва инфляцияни жиловлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва ҳ.к.

Шундагина у барча ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлади.

Микро тушунчаси ҳам қадимги юонча сўздан олинган бўлиб кичик деган маънони билдиради. Макро ва микроиқтисодиётни йирик ва кичик иқтисодиёт сўзига алмаштириш мумкин. Аммо ҳозирги пайтда макро ва микро сўzlари жаҳон адабиётига кириб келдики, бу барча тицларда ўз моҳиятини ифодалаган ҳолда қўлланиб келинмоқда. Шу боис ўзбек тилида ҳам ушбу байнамал атамаларни ишлатиш мумкин.

Микроиқтисодиёт деганда, кичик, куий бўғиндаги хўжалик юритиш санъати тушунилади. Агарда макроиқтисодиётни ўрмон десак, микроиқтисодиёт ундаги ягона дарахт маъносига яқин. Шундай экан, ҳозирги пайтда микроиқтисодиёт деганда оила, фирма, корхона, ҳиссадорлик жамияти ва барча турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритувчи бозор субъектлари иқтисодиёти тушунилади.

Жамият тараққиёти иқтисодиётни ўрганиш ва уни таомилаштириш заруриятини туғдиради. Бу иқтисодиётга оид фанлар тизимини вужудга келтиради.

Иқтисодиётга фан нуқтаи назаридан қаралса, унга қуйидагича тариф бериш мумкин.

Иқтисодиёт фан сифатида бир тармоқ бўлиб, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ташкил этиш, таҳлил қилиш, режалаштириш, истиқболини белгилаш ва бошқариш санъатини ўрганишга бағишиланган. Ҳозирги пайтда жамият тараққиётида қанча иқтисодиёт соҳаси бўлса, шунча иқтисодий фанлари мавжуд. Иқтисодиёттинг маҳсус фанлари сифатида «Иқтисодиёт наузаияси», «Экономикс», «Макро ва микроиқтисодиёт», «Менежмент», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», «Маркетинг» ва бошқалар ўқитилади.

I БЎЛИМ

МАРКЕТИНГ ФАНИНИНГ ТАЙНЧ ТУШУНЧАЛАРИ

Савол:

Бозор моҳиятини ифодалаб беринг?

Жавоб:

Бозор — товар ва пул муомалалари доираси, уларнинг олди-сотди жараёни ва ўзига хос иқтисодий-ижтимоий муносабатлар мажмуй ҳисобланади. Бозорда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар мағфаатлари тўқнашади, юзма-юз келади ва бир-бiri билан келишади. Бозорда ишлаб чиқарувчи товар ёки хизматига қилган сарф-ҳаражатларини «тарозига» кўяди, истеъмолчи эса ана шу товар ёки хизматни бошқа шуларнинг ўхшашларига солиштириб, истеъмол қиймати юқорирогини харид қиласди.

Бозорга тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан қарасак, унинг пайдо бўлиши кишилик жамиятида бирламчи меҳнат тақсимоти вужудга келиши, оила ва урургарни ортиқча маҳсулотларини бошқасига айрибошлаши даврига тўғри келади. Бозор эволюцияси товар ишлаб чиқариш тараққиётни билан чамбарчас боғлиқ.

Бозорнинг эски луғавий маъноси — «алоҳида савдо-сотиқ қилинадиган маҳсус жой» — дейилиши ҳозирги тараққиёт нуқтаи назаридан унинг моҳиятига тўғри келмайди. Чунки, бозор талаб, таклиф ва баҳо шаклланиши билан дўкон, ошхона, дежқон бозори, биржа, телевизор, радио, газета ва бошқа инфраструктура воситалари орқали ёки кўчада сотувчи ва харидор учрашиб ўзаро келишиши билан ҳам амалга ошиши мумкин.

Бозорнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, фақат бозор орқали фирма (корхона), худуд, туман, вилоят, мамлакат ва жаҳон миқёсида иқтисодий айрибошлаш амалга оширилади, натижада товарлар ва хизматлар пулга айланиб, кўшимча фойда олиниди, унда қатнашган субъектларнинг кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариши истиқболи очилади. Ишлаб чиқарувчилар ўз ҳаражатларини фақат товар ёки хизматларини бозорда сотганларидан кейингина қоплайдилар. Аҳоли эса бозорда янги хилма-хил товарларни кўриб, уларни сотиб олиш учун ўз иш жойларида янада унумлироқ ишлашга ва кўпроқ иш хақи олишга қизиқади.

Бозор — ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун рақобат майдонидир. Рақобатда ютиб чиқиш учун товар ва хизматларнинг янгидан-янги хиллари муомалага киритилаверади, эскилари эса бозордан чиқиб кетаверади. Бозор талаб ва таклиф қонуни асосида ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодий жараён.

Шундай қилиб, бозор — ишлаб чиқарувчилар ва аҳолини иқтисодий рағбатлантириш орқали кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг «катализатори» — ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бозор — инсониятнинг иқтисодиёт соҳасидаги хўжалик юритиши бўйича тарихий ихтиросидир.

Халқимизда азалдан «Бозорга Аллоҳнинг назари тушган» деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган, чунки Қурони Каримнинг 106-«Курайш» сурасида — «Агар улар бошқа неъматлар учун Аллоҳ таолога ибодат қилмасалар ҳам, уларга тижорат, олди-сотди қилинлар, деб қишида Яманга, ёзда эса Шомга сафар қилишлари осон қилиб қўйилгани ва улар бу сафарлардан доимий равищда фойдаланиб келаётганларни учун мана шу Байтуллоҳнинг Парваридгорига ибодат қилишлари лозимдир»¹ дейилиши изоҳланган. Шу билан бирга, умумманиятини кўзлаб, Аллоҳдан кўрқиб, пок-ҳалол ишлаган тижорат одами, Пайғамбаримиз Мұҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг марҳамат қилишларича «Қиёмат кунида, Пайғамбарлар, шахидлар ва авлиё-уллоҳлар қаторида бўлурлар»².

Демак, тижорат — бозор муносабатлари, инсонларга мағфаат қелтириши бундан 1400 йил олдин Аллоҳнинг Каломи шарифида хабар берилган. Ана шу бозор муносабатларини тақомиллаштириши ва улар асосида бозор иқтисодиётини шакллантирган дунёнинг кўпгина — Америка, Оврўпа, Осиё, Африка қитъалари мамлакатларида аҳолининг турмуш даражаси жуда юқори даражага кўтарилигини ҳаммамизга мальум.

Бозорнинг ижтимоий моҳияти шундаки, у орқали товар ва хизмат ўз баҳосини топиб сотилгандан кейин уларнинг яратиш foяси ва ишлаб чиқишига сарфланган меҳнат жамиятда тан олиниди ҳамда у ижтимоий-зарурий эканлиги тасдиқланади. Шу билан бирга, истеъмолчи товар ва хизматни сотиб олиб, нафақат ўзининг моддий талабини, балки маънавий эҳтиёжини ҳам

¹ «Қуръони Карим», (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур)-Тошкент «Чўлпон». 1992 й. 524 бет.

² «Аллоҳнинг Расулидан хаёт дастурлари» китобидан Абдумурод Холмурод ўли таржимаси.

қондиради. Натижада аҳоли бозорда, айниқса радио, телевизор, китоб ва бошқалар харид қилиш орқали манавий бойлик орттириши ва баркамол инсон бўлиши учун имконият яратади.

Бозорнинг сёйси моҳияти ҳам бор. Ҳар бир мамлакат ёки регион бозоридаги товар ва хизматлар мўл-кўллиги, нархнавонинг мўтадиллиги ўша худуд аҳолиси учун яратилган иқтисодий-ижтимоий шароитни, давлатнинг олиб бораётган сиёсати ҳалқчиллигини ва умуман «Подшоси одил — тадбиркорлари саҳиј» юрт эканлигини ифодалаб беради.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Фақат уюшган бозоргина буғунги кунда ҳалқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, бокумандатика хотима беради, ташаббускорлик ва ишбильармонликни ривожлантира олади, рафтаблантиришини ва йўқотилган ҳўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина ишлаб чиқарувчининг ҳукмини синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнтура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради.

Фақат бозоргина тежамли ҳўжалик юритишнинг кучли оқилона жиҳатларини яратади, ҳаражатларни камайтиради, талон-тарож ва лапашантликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қиласи, фан ва техникининг энг сўнгти ютуқларини дадил ва гайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, қасб маҳоратига муносаб баҳо беради.

Шу билан бирга бозорга айниқса унга ўтиш босқичида куйидаги салбий ҳолатлар:

- узоқ ва чукур иқтисодий инқирозлар;
- ишсизликнинг ўсиши;
- пулнинг қадрсизланиши;
- кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбильармонларнинг хонавайрон бўлиши;
- аҳолининг моддий таъминот жиҳатдан кескин табақалашуви;
- ҳукуқка зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир.

Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак¹. Бозор бир неча турларга бўлинади.

Савол:

Истеъмол товарлари бозорини таърифланг.

Жавоб:

Истеъмол товарлари бозори — аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондирувчи ва ҳаёт кечириш учун уй-рўзгорини жиҳозлаш мақсадида харид қилинүвчи озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини олди-сотди муносабатлари мажмууни ўз ичига олади. Истеъмол товарлари бозори ўз навбатида маҳсус бозорларга: озиқ-овқат, кийим-кечак, ҳўжалик, маданий моллар ва бошқаларга бўлинади. Бу бозорнинг моддий-техника асоси (инфраструктураси) бўлиб: улгуржи савдо базалари, дўконлар, ошхона, чойхона, дорихона, дехқон бозорлари ва барча чакана савдо-сотиқ билан шуғулланувчи шоҳобчалар ҳисобланади.

Истеъмол товарлари бозори — «Ҳазрати инсон» учун, унинг фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида ташкил этилади, шунинг учун ҳам Бош бозор дейилади. Колган ҳамма бозорлар, ана шу истеъмол товарлари бозорининг мўл-кўлчилигини, унда талаб ва таклиф муносабатини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизнинг давлатимиз истеъмол товарлари бозорига доимо катта эътибор бериб келмоқда. Аҳолини кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган 8 хил товарларнинг: ун, ёғ, чой, совун, гугурт, туз, макарон ва шакарнинг чакана савдо дўконларида узлуксиз бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 декабрь 1994 йилдаги 604-сонли «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг қабул қилинган. Ана шу қарорни бажарилиши туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг доимий назоратида турибди.

Истеъмол товарлари бозорининг сифими — ҳажми туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миёсизда чакана товар айланиш (товароборот) кўрсаткичи билан аниқланади. Истеъмол товарлари бозори ўзининг ҳолатига қараб икки хилга бўлинади: «тақчил (сотувчилар)» ва «тўйинган (харидорлар)» бозорига бўлинади.

«Сотувчилар бозори»да товарлар камчил, уларга сотувчилар, хоҳлаган баҳосини кўяди, талаб таклифга қараганда анча юқори ва монополлашган бўлади. Бундай бозор мамлакатда макроиқтисодий мутаносиблик бузилганда ва аҳоли турмушида ҳар ҳил салбий ҳолатлар борлигига шакланади.

«Тўйинган бозор»ни ташкил этиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий мақсади. Бундай бозорда харидор — истеъмолчи

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва таракқиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 й. 44–45-бетлар.

«Подшо» – товарлар мүл-күллиги таъминланган, талаб ва таклиф мутаносибликка яқинлашган, баҳолар кўп ўзгармайди. Бозордаги асосий муаммо – фақат харидорни жалб қилиш ва унга қулагайликлар яратиш орқали кўпроқ товар сотиш. «Харидорлар бозорда» – товар ишлаб чиқарувчилар орасида рақобат кучайди ва унда ютиб чиқишининг асосий воситаси – маркетингдир.

Савол:

Хизматлар бозорини қандай тушунасиз?

Жавоб:

Хизматлар бозори – ахолига майший, маърифий, тиббий, техник, коммунал, маданий, алоқа, транспорт, консалтинг, инжиниринг, лизинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича олди-сотди муносабатларини ифодалайди. Унинг ҳам ўзига хос шохобча ва муассасалари шаклланади. Истеъмол товарлари ва хизматлар бозорларининг ўхшашлиги шундаки, улар тўғридан-тўғри инсонлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Хизматлар бозори бизнинг мамлакатимизда ҳам жуда катта истиқболга эга. Жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларда ишга яроқли ахолининг 65–70 фойзи ана шу хизматлар бозори соҳаларида фаолият кўрсатади ва уларнинг иқтисодиётдаги саломи ҳам жуда юқори.

Савол:

Ишлаб чиқариш воситалари бозорини қандай тушунасиз?
Жавоб:

Ишлаб чиқариш воситалари бозорида саноат корхоналари, дехқон, фермер хўжаликлари, ширкатлар, агроФирма ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари муассасаларининг таъминоти учун зарур бўлган дастгоҳ, ҳом ашё, жиҳоз ва бутун керакли товарлар олди-соттиси ташкил этилади. Бу бозорни бизнинг мамлакатда «Ўзулгуржибиржасавдо» тизими, товар-ҳом ашё биржасида ташкил этилмоқда.

Ишлаб чиқариш воситалари бозорининг ўзига хослиги шундаки, бунда сотувчилар ва харидорлар ҳам асосан юридик шахслар ҳисобланади. Сотилган товар, ҳом ашё ва ускуналар учун хисоблашиб нақд пулсиз амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш воситалари бозори товар биржалари орқали амалга оширилади.

Савол:

Молия бозори деганда нимани тушунасиз?

Жавоб:

Молия бозори – нақд пул, валюта, капитал ва қимматли қоғозлар олди-сотди муносабатлари мажмумини билдиради. Молия бозори суғурта тизимини ҳам ўз ичига олади. Молия бозорининг сотувчилари сифатида пул эгалари-аҳоли, фирма, корхона, давлат ва тижорат банклари қатнашадилар. Молия бозорининг харидорлари – пулга муҳтоҷ бўлган барча субъектлардир.

Молия бозори 3 таркибий қисмга бўлинади:

- Нақд пул (валюта) бозорлари;
- Қимматли қоғозлар бозори;
- Капитал бозори.

Нақд пул (валюта) бозорлари банклар ва махсус биржалар, нодавлат муассасалари орқали ташкил этилади. Қимматли қоғозлар бозорида – акция, облигация, вексель, чек, депозит ва сертификатларнинг олди-сотдисини банклар ва фонд биржалари орқали амалга оширилади. Фонд биржалари ҳамда сотувчилар ва харидорлар ўртасида ваколатга эга бўлган брокерлар воитачилик қиласи.

Капитал-сармоялар бозори – пул, валюта, дастгоҳ, ускуна ва бошқаларни қарзга сотиш жараёнини ташкил этиди. Бу бозор ҳам асосан банклар орқали уюштирилади. Банклардан ташқари, капитал бозори нодавлат муассасалари орқали ҳам ташкил этилади.

Савол:

Меҳнат бозорини қандай тушунасиз?

Жавоб:

Меҳнат бозори деганда иш кучини олди-сотди жараёни тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурслари ҳам эркин олди-сотдиси ташкил этилади. Ортиқча меҳнат ресурси иш кучи таклиф этилади ва корхона, фирмаларнинг талаблари асосида эркин баҳоларда сотилади. Демак, меҳнат бозорида ҳам талаб, таклиф ва баҳо мавжуд. Иш кучи қийматининг баҳоланиши сотиб олинаётган ишчининг иш ҳақи ва қўшимча имтиёзлари билан аниқланади.

Меҳнат бозори – меҳнат биржалари орқали уюштирилади. Меҳнат биржаси туман, шаҳар ва вилоятларда ўз тармоқларига эга.

Меҳнат биржасида корхона ва фирмаларда бўш иш жойлари рўйхати ва ишсизлар тўғрисида маълумотлар йигилади. Меҳнат

биржасига мурожаат қылған ишсизларга бўш иш жойлари ёки янги касбни эгаллаш тавсия этилади. Янги мутахассисликларни эгаллашга муҳтож кишиларга маҳсус ўқиш курслари ташкил этилади.

Савол:

Жаҳон бозорини қандай тушунасиз?

Жавоб:

Жаҳон бозори ҳалқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирлари билан иқтисодий алоқаларга киришган мамлакатлар ўргасидаги олди-сотди муносабатларини ифодалайди. Жаҳон бозори энг юқори даражада ташкил этилган товар айирбошлиш жараёни ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жаҳон бозорига ўз товар ёки хизмати билан чиқадиган мамлакат юқори даражадаги технология билан куролланган бўлиши керак.

Жаҳон бозори ўта маҳсуслашган ва асосан биржалар орқали ташкил этилади. Жаҳон бозори: жаҳон ишчи кучи бозори, жаҳон капитал бозори, жаҳон ёнилғи, хом-ашё ва қишлоқ, хўжалик маҳсулотлари бозори, жаҳон саноат товарлари, машина ва ускуналар бозори, жаҳон хизматлар бозорига бўлинади.

Жаҳон бозорларида олди-сотди муносабатлари асосан шартномалар орқали биржаларда расмийлаштирилади. Аммо нефть, табиий газ, кўмир, қора ва рангли металлар рудаси, қора металлар, ўрмон маҳсулотлари, целлюлоза-қофозлар биржалардан ташқари, давлатлараро қисқа ва узоқ муддатли шартномалар асосида сотилади.

Савол:

Маркетинг тушунчаси нимани билдиради?

Жавоб:

Маркетинг – бозоршунослик бўлиб, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш мақсадини аниқлаш, уларни ўз истеъмолчисига етиб келиш жараёнини ташкил этиш, бозорда сотилгандан кейин қўшимча хизматлар қўрсатиш тамойиллари ва тартибларини ифодаловчи тадбиркорлик фаолиятидир.

Маркетинг XX асрнинг бошларида товар ишлаб чиқариш энг ривожланган Америкада биринчи маротаба назарий ва амалий ҳаётда қўлдана бошланди. Маркетинг бир аср давомида товар ишлаб чиқариш ва унинг бозори қанча тараққиёт топган бўлса, шунча босқичларни босиб ўтди. Маркетинг тушунчасини жуда кўп таъриф ва талқинлари бор. Уларни икки гурухга: бозордаги тадбиркорлик фаолияти ва бозор тамоили (концепцияси) га бўлиб ўрганилади.

Америка маркетинг Ассоциацияси маркетингта – товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача етиб келиши жараёнидаги тадбиркорлик фаолияти деб 60-йилларда ёқ таъриф берган эди. Аммо, ҳозирги замонавий маркетинг тушунчасига кўпроқ, истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш имкониятлари ва воситалари тўғрисидаги билимлар мажмуи деб қаралмоқда. Шунинг учун, маркетинг кенг маънода «Фирманинг рақобатли бозор шароитида стратегия ва тактикасини аниқловчи замонавий бизнес фалсафаси» дейилади. Чунки маркетинг – фирма (корхона) нинг узоқ муддатли, юқори даражали фойда олиш ниятида фақат истеъмолчига қаратилган мақсадли ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти ҳисобланади. 1985 йилда Америка маркетинг Ассоциацияси томонидан «Маркетинг моҳияти – инсонлар ва ташкилотлар талабларини қондириш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни амалга ошириш, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати ва сотилишини уюштириш» деб ўзгартирилди. Бу таърифда маркетинг – нотижорат ташкилотлар ёки хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам бозор муносабатларини ташкил этувчи восита эканлиги ҳисобга олинди. Шу билан бирга, маркетинг бозор тамоили эканлиги ойдинлаштирилди. Маркетинг иккинчи томондан инсон фаолияти бўлиб, бозорда энг самарали натижага эришиш жараёнини англатади.

Маркетинг фан сифатида – товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) нинг истеъмол (харидор) талабларини қондириш ҳамда ўз маҳсулотини сотиш учун янги имкониятларни қўлга киритиш жараёнидаги хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мантиқи, шаклари, услубларини ифодаловчи назарий ва амалий тамойиллар мажмуидан иборат.

Маркетингнинг назарий тушунчалари, жамиятда юз берадиган иқтисодий жараёнлар ва уларга хос бўлган муносабатлар қонун-қоидаларини инсонлар фаолиятида намоён бўлишини ўргатувчи иқтисодий назарияси – ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол қўлиш босқичларida кишилар фаолиятини тадқиқ қилишга бағишиланган – Экономикс фанларига асосланади.

Маркетинг фанининг асосий обьектлари: бозор, истеъмолчи, товар, хизмат, баҳо, товар ҳаракати, реклама, сотиш ва уни рағбатлантириш ҳисобланади. Ана шу иқтисодий категорияларни

комплекс равишида ўрганиш ва тадқиқ қилиш маркетинг фани методологияси ва услугияти мазмунини ташкил этади.

Савол:

Маркетинг тамойили нимани ифодалайди?

Жавоб:

Маркетинг тамойили – ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида корхона (фирма) нинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш түғрисидаги илмий-услубий тасаввурларни ифодалайди.

Маркетинг тамойили эволюцияси ҳозиргача қуйидаги босқичларни босиб ўтди:

Юқорида айтилганидай, маркетингнинг пайдо бўлиши XX асрнинг бошига бориб тақалади. 1901–1905-йиллардаёқ АҚШдаги Пенсильвания дорилфунунида «Маҳсулот маркетинги» номи билан маърузалар ўқилган, 1910 йилда эса Висконсия штати дорилфунунида маркетинг усуслари ўқитилган Бироқ, бу пайтда маркетингнинг можияти соғ амалий хусусиятга эга бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотга фаол харидор топишга йўналган, яъни ўзининг асосий эътиборини товар ишлаб чиқарувчининг имкониятларидан келиб чиқиб, товарни фойдасига сотишга қаратган.

Маркетинг тузилишининг шакллари асримизнинг 30-йилларида 1929–1932 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатида ўз қиёфасига эга бўла бошлади. Келгусида маркетингнинг ҳозирги кунларимизгacha бутун ривожининг асоси бўлмиш негизлар мағзининг пайдо бўлиши шу даврга тўғри келади. Худди ана шу пайтда маркетингга пойdevor бўлган маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим учта йўли шаклланди: булар – функционал, институцион ва товар йўлидан иборат. Функционал йўл корхонанинг сотув фаолиятини бўлак-бўлакларигача таҳлил қилишга, яъни улгуржи савдо, транспортировка ва сақлашга асосланади. Бунда асосий эътибор фирма ичидаги режа-рояврард маҳсулотни ва унинг чакана савдосини маркетинг фаолиятидаги бош масала қилиб қўйди. Бунда чакана савдо қилувчи («мерчендайзинг») билан ишлаш асосий диққат марказида бўлади. Товар йўли эса харидор нималарни афзал кўраётганини синтиклаб ўрганиш ва буни ҳисобга олган ҳолда буюмларни ишлаб чиқиши ва уларни янгилашга асосланади. Маркетинг тамойили (концепцияси) ривожининг навбатдаги ҳал қилувчи

босқичи 30-йилларнинг охирига, истеъмолчи маркетинги деган тушунча асосан шаклланиб бўлган даврга тўғри келди. Истеъмолчилар бир куни келиб юқорироқ сифат кўрсаткичига эга бўлган товарларни барибир афзал билишади, лекин бунда товарни буюм, нарса сифатида эмас, балки унда мужассамлашган истеъмол жиҳатдан фойдалилиги учунгина харид қилишади, деган тушунча истеъмолчи учун бошланғич тезис бўлиб ҳизмат қилди. Шунинг учун ҳам энг аввало истеъмолчиларни, уларнинг эҳтиёж ва талабларини, шунингдек, бу нарсалар таъсирида шаклланадиган ва ривожланадиган шароит ва омилларини чукур, ҳар томонлама ўрганиш масаланинг бош далилларидандир. Бу ҳолатда учови йўл – функционал, институцион ва товар йўлининг бирлашиб, қўшилиб кетиши содир бўлади ва корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, уни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтказиши билан боғлиқ бутун фаолият турларини қамраб оловчи соҳа сифатида маркетинг тушунчаси пайдо бўлади. Маркетинг тадқиқотлари деб ном олган маркетинг таркибий қисми пайдо бўлади ва у кейинчалик бутун маркетинг фаолиятининг асоси бўлиб қолади.

50–60-йилларда, капитализм урушдан кейинги қийинчиликларни енгиди, ривожланишнинг янги босқичига ўтганда бу соҳада янги сифат ўзгаришлари рўй берди. Энди маркетинг фирмаси ичидаги режалаш ва ҳатто корхона иқтисодий аҳволининг стратегияси ёки тактикаси эмас, балки улардан кенгроқ жараён сифатида қараладиган бўлди. Худди шу даврга келиб, уни «бизнес фалсафаси» деб атасди ва маркетингнинг замонавий концепциясининг умумий қирралари шаклана бошлади. Йирик корпорациялар маркетингни тан ола бошладилар ва бу фирмаси ичидаги бошқарув тузилишларида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Булардан энг асосийси маҳсус маркетинг ҳизматларининг ташкил этилиши ва сотувни бошқариш вазифаларини маркетинг бўлими бошлиғига олиб берилиши бўлди.

Бошқарув маркетингнинг ривожланиши ҳам айнан шу даврга тўғри келди. Бунинг маъноси шуки, маркетинг асосий қонун-қоидлари (принциплари) нинг корхона бошқарувининг пастдан-юқоригача бўлган барча даражаларига татбиқ этишдир, «Ишлаб чиқариш ходимлари, молия ва сотув ҳизматлари, – дея ёзди ўз асарида бошқарув бўйича йирик мутахассислардан бири Гордон Болт, – буларнинг ҳаммаси ҳаттоки улар маркетингни

амалга оширишда бевосита иштирок этмасалар ҳам маркетинг тафаккурининг руҳиятига кириб боришлари керак».

Мана шу йиллардан бошлаб дунё миқёсидаги деб аталаған халқаро маркетинг ўз йўлини бошлади. У 80-йилларда халқаро савдонинг фаоллашуви, туризм ва турли давлатлар ўргасидаги ҳамкорликнинг бошқа шакллари ривожланиши билан айниқса кенг тарқала бошлади.

Бизнинг давримизда маркетинг назарияси ривожи маркетинг фаолиятини ташкил этишининг тартибли усулини қўллаш йўлидан бормоқда, Маркетинг тартибли усули деган тушунчани икки йўналишда кўриб чиқиш керак: биринчиси – корхона ичи-даги бошқарувнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўргасидаги алоқани таъминловчи тармоқчasi, яъни микромаркетинг ва икчиши – пировард истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида бозорни бошқаришга воситачи бўладиган жамият ичи-даги тармоқча, яъни мақромаркетинглар. Кейингиси ўзининг дикъат марказини алоҳида фирманинг муаммоларини ўрганишдан ўз фаолиятини амалга оширадиган ижтимоий тузумнинг таҳлилига кўчирадиган бутунлай янги йўналишдир. Бу эса маркетинг фаолиятининг бир қатор янги йўллари: ижтимоий маркетинг, консьюмеризм, бихейворизм ва стратегик режалаштиришнинг юзага келишига туртки бўлди.

Ижтимоий йўлнинг мазмuni – маркетинг фаолияти доирасини анчагина кенгайтиришдир. Унинг предмети бўлиб фақатнина бозор эмас, балки ижтимоий-сўёсий фаолият ҳам хисобланади. Ижтимоий маркетингнинг мақсади – бирон-бир ижтимоий гоя (гоялар маркетинги) жозибадорлигини кучайтиришга қаратилган дастурларни яратиш, амалга ошириш ва назорат қилиш, ўзини тутишнинг айrim меъёр ва одатларини тарбиялаш (масалан, чекишга қарши компания) ва бошқалардир. Ижтимоий маркетинг – бу маркетинг техникасидан нотижорат хукукини ҳимоя қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишини мақсад қилиб олган. Бихейворизм – истеъмолчи-ларвинг товарни танлаш ва харид қилиш жараёнидаги хатти-харакатининг руҳий томонларини ўрганиш, уларнинг товар со-тиб олишига нималар сабаб бўлишини аниқлашга ижтисослаш-сан маркетинг йўналишидир. Бихейворизм ривожланиши билан маркетингнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлмиш бозорнинг сегментлашувини ишлаб чиқиш боғлиқдир. Бу ҳақда қелгусида батафсил тўхталиб ўтамиш.

Ва ниҳоят стратегик режалаштириш (стратегик маркетинг) да кўпగиб назоратчилар ва дунё тиҳорат аҳли замонавий маркетингнинг юксак муҳитини ва келажагини кўрадилар. Фирманинг ички ресурслари ва ҳар қандай бошқарувга оид қарорларни қабул этиш ва ҳисобга олинадиган имкониятлари билан ташқи омиллар ўргасидаги муносабатларни ўрганиш – стратегик режалаштиришнинг мазмунидир. Стратегик маркетинг замонавий маркетингнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади ва мутахассисларнинг фикрига кўра келгусида ҳам ўзининг биринчи даражали аҳамиятини сақлаб қолади.

Савол:

Маркетинг талаблари қайсилар?

Жавоб:

Маркетингнинг асосий талаблари қуйидагилар:

1. Ҳар қандай фирма бозорга киришдан олдин ўз олдига аниқ мақсадни, яъни фойда олишни (қачон, қайси миқдорда) кўзлаши шарт;
2. Фирма ўз мақсадига эришиш учун бозорга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиши лозим;
3. Танланган бозорни барча шарт-шароитларига тўлароқ мослашиши;
4. Ўзининг бозорида фирма узоқ муддат ичида фаолият кўрсатишини режалаштириши;
5. Бозорга киргандан кейин жуда катта фаоллик кўрсатищ, ишбилармонлик билан ўша бозорни кенгроқ ва чукурроқ эгаллашга ҳаракат қилиш. Бунинг учун фирманинг барча мутахассислари, бошқаруви ва ишчилари ижодкорлик ва ташаббускорлик кўрсатишлари, бир тану-бир жон бўлиб ишлашиши талаб этилади.

Савол:

Маркетингнинг мақсадлари нимадан иборат?

Жавоб:

Маркетингнинг умумий ва маҳсус мақсадлари мавжуд. Маркетинг умумий мақсадининг можияти, биринчидан, истеъмолчи-ларнинг товар ва хизматларга бўлган талабларини тўлароқ қондириш. Иккинчидан, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш билан боғлиқ бўлган товарлар ва хизматларни истеъмол қилишни яхшилаш учун рағбатлантириш услубларини

кенгайтириш. Учинчидан, истеъмолчиларга кенг ассортиментли товарлар ва хизматларни тақлиф қилиш.

Маркетингнинг маҳсус мақсадлари:

- аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш;
- бозорда фирма мавқенини ошиб боришини барча тадбирларда кўзда тутиш;
- фирма ҳақида истеъмолчилар орасида яхши фикрлар сақланиб қолиши бўйича изланишлар олиб бориш;
- фирмаларга кўпроқ янги бозорларни эгаллаш йўл йўриқларини кўрсатишидир.

Савол:

Маркетинг муҳити нимани билдиради?

Жавоб:

Корхона, фирманинг маркетинг муҳити деганда унинг бозор фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар тушинилади. Маркетинг муҳити ички ва ташқи бўлади.

Ички маркетинг муҳитини шакллантирувчи омиллар фирма раҳбарияти томонидан назорат қилинадиган технологик жараён, молия ва маркетинг хизматлари, моддий-техника таъминоти, кадрлар бўлими, бозорини танлаш ва бошқариш билан боғлиқ омиллардир.

Ташқи маркетинг муҳити корхона раҳбарияти томонидан назорат қилина олмайдиган, ҳамиша уларни кўра билиш ва мосрақобат, хукумат сиёсати, иқтисодиёт, мустақил оммавий-ахборот воситалари киради.

Савол:

Маркетинг турларини ифодаланг?

Жавоб:

Маркетинг ҳам бозор турлари сингари товарнинг истеъмол қийматлари асосида таснифланади:

- истеъмол товарлари маркетинги;
- хизматлар маркетинги;
- ишлаб чиқариш маркетинги;

Ундан ташқари, бозорнинг бошқа белгиларига ҳамда инсон-

нинг барча бозор фаолиятига қараб маркетинг турланаверади. Шунинг учун ҳам ҳозиргача маркетингнинг 2 мингдан ортиқ таъриф ва талқинлари мавжуд. Улардан баъзилари қуйидагилар:

Халқаро маркетинг – жаҳон бозори маркетинги. Унинг мамлакат ички бозорлари маркетингидан кўпгина фарқи бор. Аввалин, жаҳон бозорига ҳар бир мамлакат ўз маркетинг стратегияси билан кириши учун умумаданий ва иқтисодий муҳитларни чуқур таҳлил қилиши зарур. Шу билан бирга халқаро маркетинг: фирманинг ташкилий ишларини жаҳон стандартлари даражасида, маҳсулотни режалаштириш, сотиш, ҳаракатини ташкил этиш ва нархлаштиришга ўзига ҳос талаблар кўяди. Халқаро маркетинг стратегияси экспорт, импорт ва қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида-алоҳида ёндашишни тақозо этади.

Ташкилотлар маркетинги – алоҳида аниқ ташкилотларга тегишили бўлган вазиятни қўллаб-куватлаш ёки ўзгариши, шунингдек керакли муҳит ташкил қилиш мақсадида қўлланиладиган амалий фаолият.

Айрим кишилар маркетинги – айрим шахсларга нисбатан мавжуд вазиятни қўллаб-куватлаш ёки уни ўзгариши мақсадида қўлланиладиган амалий фаолият.

Демаркетинг – бозорда айрим молларга талабнинг ҳаддан ташқари ўсиши натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятига нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат. Демаркетингнинг мақсади харидорларни корхона имкониятлари тўғрисида ногўри фикрга боришининг олдини олишга қаратилган. Бу пайтда баҳо кўтарилиши ва reklama тадбирлари чекланиши ёки тутатилиши мумкин.

Дифференциланган маркетинг – (фарқ қилинган, даражаланган, табақалаштирилган) маркетинг. Фирмаларнинг айрим бозор сегментидаги харидорларнинг эътиборини тортиш мақсадида моллар хусусиятини ўзгаришишга қаратилган стратегияси. Фирма ушбу маркетинг туфайли кўп сонли бозор сегментлари талабларини қондиришишга эришади.

Интенсив (жадал, тез, қизғин, шиддатли) маркетинг – сотувни рағбатлантириш мақсадида катта ҳаражатлар қилиш ва баҳоларни кўтаришишга қаратилган стратегия. Ушбу маркетинг бозорга жуда тез чиқиш ва молларни юқори фойда билан сотиш имконини беради.

Комбинацияланган (комбинация қилинган, бирга кўшилган, биргаликдаги) маркетинг – маркетингнинг стандарт ва ностандарт режаларини бир-бирига мувофиқлаштиришишга қаратилган стратегия.

Конверсияланган (конверсия қилинган, шартлари ўзгаришилган) маркетинг – кўпчилик харидорларнинг айрим молларга нисбатан талаби сусайган ёки ёмонлашган пайтларда қўлланиладиган маркетинг фаолиятининг бир тури.

Концентрацияланган (бойитилган, түпланган, жалб этилган) маркетинг – бир ёки ундан ортиқ бозор сегментларига эга бўлиш учун фойдаланиладиган махсус тадбирлар тизимидан иборат фирма стратегияси. Баъзида фирма бундан бир-бири билан боғланган ва унчалик катта бўлмаган бозорларга тъсир қилишда ҳам фойдаланади.

Оммавий (дифференцияланмаган) маркетинг – фирманинг бозора стандарт моллар билан чиқишида қўллайдиган стратегияси. Фирма оммавий маркетинг ёрдамида иложи борича кўпроқ харидорларни ўзига жалб этади.

Кўп миллатли маркетинг – бир қатор чет давлатлардаги маркетинг жараёни. Бундай маркетинг жараёнларига «Юнилевер», «Шелл», «ИТТ», «Экосан», «Коқа-кола» фирмалари фаолияти мисол бўла олади. Бу компаниялар бутун дунё халқларига яхши таниш бўлган товар белгиларига эга.

Пассив маркетинг – жуда кам ҳаражатлар қилинадиган ва паст баҳолар ўрнатиладиган маркетинг жараёни. Бозорда рақобат кучли бўлмаганда ва унинг ҳажми жуда катта бўлганда; сотилаётган ўша молга нисбатан харидорларнинг таассуроти ижобий бўлганда ва ҳ.к.да суст маркетинг амал қиласи.

Кўллаб-куватловчи (кўмаклашувчи, ёрдам берувчи) маркетинг – фирманинг имконияти билан талаб ўртасида мувофиқлик вужудга келган пайтда қўлланиладиган маркетинг. Бу маркетинг бозорда товарларга бўлган талабни юқори даражада ушлаб туради ва тъминлайди; рақобатда муваффақият қозонишга олиб келади..

Синов (синаш учун берилган) маркетинг – бир ёки бир неча танлаб олинган бозорда маҳсулотни ҳолис баҳолаш ва келгусида янги моллар билан билан оммавий равишда бозорга чиқиш бўйича маркетинг фаолиятини текшириб кўрилади. Синов сотувларда молга нисбатан харидорларнинг фикри йиғилади ва у чукур таҳлил қилинади. Ана шу таҳлил натижалари асосида молга баъзи ўзгартиришлар киритилади ҳамда лозим бўлса, маркетинг режаси қайта кўриб чиқиласи.

Қарши тъсир қўлувчи маркетинг – иррационал (ақл бовар қўлмайдиган) (талаб спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, дори-дармонлар ва шу кабиларга) вужудга келган пайтда қўлланиладиган маркетинг тuri. Қарши тъсир қўлувчи маркетинг баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни бекор қилиш, уларни савдо шоҳобчаларида сотувдан олиб ташлаш ва ўша молни истеъмол қылмасликка қаратилган ташвиқот ишларини олиб бориш билан боғланган.

Ривожланадиган маркетинг – бозорда молга нисбатан талаб жуда кучайтган пайтда қўлланиладиган маркетинг тuri. Ривожланадиган маркетинг фаолияти вужудга келган талабни ҳаққоний қондиришга, бунинг учун эса молнинг сифат белгиларига фоят катта аҳамият беришга қаратилган.

Ремаркетинг – маҳсулотнинг ҳаддан ташқари кўпайиши оқибатида унга бўлган талаб пасайган даврда қўлланиладиган маркетинг тuri. Ремаркетинг фаолиятининг асосий вазифаси – бозорда талабни жонлантиришнинг янги имкониятларини излаб топишдан иборат. Бунинг учун молга бозор янгиликларини сингдириш; янги бозор шароитига мувофиқ фирма фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва ҳ.к.ни амалга ошириб талаб қилинади.

Синхромаркетинг – бозорда молга бўлган талабнинг кучли ўзгариши (молнинг мавсумий характеристига эгалиги, туфайли конюнктуранинг пасайиши оқибатида қўлланиладиган маркетинг тuri. Бу пайтда синхромаркетинг талабнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, сотувнинг барқарорлигини таъминлайди.

Стандартлаштирилган маркетинг – ҳар бир бозор учун ўзи жойлашган ҳудуддаги талаблар ҳисобга олингани ҳолда ишлаб чиқилган алоҳида режалар лозимлигини билдирувчи маркетинг стратегияси.

Рағбатлантирувчи маркетинг – бозорда молларга талаб бўлмаган вақтларда қўлланиладиган маркетинг тuri. Масалан, ҳали харидорга маълум бўлмаган янги мол сотувга чиқарилганда; маҳсулотлар маънавий эскирганда; ўша ҳудудда фойдаланишнинг иложи бўлмаган маҳсулотлар сотуда бўлганда рағбатлантирувчи маркетингта мурожаат қилинади. Рағбатлантирувчи маркетингнинг бутун фаолияти товарга бўлган талабни вужудга келтиришга қаратилади.

Мақсадли маркетинг – бозор сегментларини чегаралаш; чегараланган сегментлардан бир ёки бир нечтасини танлаб олиш ва ҳар бир танлаб олинган сегмент учун алоҳида-алоҳида моллар ва маркетинг комплексини ишлаб чиқиш жараёни.

Диверсификация – маркетинг стратегияси бўлиб, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлари турларининг кўпайиши ва фаолиятининг кенгайиши билан боғлиқ капитал концентрашувининг шакли. Баъзи ҳолларда диверсификация ихтисослаштирилган фирмаларнинг (саноат, транспорт, курилиш, молия ва ҳ.к.) бошқа тармоқларга кириб бориши ва кенгайишини билдиради. Диверсификация натижасида кўп тармоқли аграр мажмуалар вужудга келади. Бу мажмуалар турли-туман моллар ишлаб чиқаради, хизматлар бажаради. Шунингдек, илмий кузатишлар олиб боради ва тадқиқотлар ўтказади.

Горизонтал диверсификация – фирмада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдиндан чиқарилаётган маҳсулот турларига умуман ўхшаш бўлмаган хиллари ҳисобига кўпайиши. Мижозлар жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш мақсадида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Конгломерат диверсификацияси – фирмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини технологик жараён бўйича ҳам, моллар турларини технологик жараён бўйича ҳам, моллар турлари бўйича ҳам, бозордаги турлари бўйича ҳам умуман ўхшаш бўлмаган товарлар билан тўлдириш.

Савол:

Маркетинг дастури қандай тушунча?

Жавоб:

Маркетинг дастури – тор маънода бизнес режа – ҳужжат бўлиб, корхонанинг бозорда аниқ фаолият кўрсатиш тамоилини ифодалайди. Маркетинг дастури кенгроқ маънода эса корхона имкониятларини бозор талабларига мослаштиришга йўналтирилган таҳлил, режалаштириш ва назорат қилиш жараёни деб қаралади. Маркетинг дастурлари қисқа муддатли (бир йилгача), ўрга муддатли (5 йилгача) ва узоқ муддатли (үн йилгача ва кўпроқ) бўлади. Улар умумий шаклда ёки корхонанинг маҳсус фаолиятларига мўлжалланган бўлиши мумкин.

Маркетинг дастурларини ишлаб чиқишида мақсадли ёндашиш услугига асоссан, корхонанинг мўлжалланган мақсадга эришиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ресурслари ва тадбирлари тизими шакллантирилади.

КОРХОНА (ФИРМА) НИНГ МАРКЕТИНГ ДАСТУРИ (Бизнес режаси таркиби)

I. Корхонанинг имкониятлари таҳлили (ҳолатли таҳлил)	Фаолияти, шарт-шароитлари ресурслари, самарали натижага эришиш йўналишлари. Корхонанинг ички ва ташки мухитларини солишибтириш.
II. Ривожланиш мақсадларини аниқлаш.(Маркетинг синтези)	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг устивор мақсадлари ва бозорда фойдага эришиш йўлларини аниқлаш.

III. Стратегияни ишлаб чиқиши	Корхонанинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишни кўзлаган узоқ муддатли мақсадни аниқлаш (бозор сегментларини, маркетинг воситасини, бозорга кириш вақтини ва бошқаларни танлаш). Ишлаб чиқариш, молия, баҳо, кадрлар, реклама, сотиш ва бошқаларни амалга ошириш харажатлари ва натижаларини режалаштириш тизими.
IV. Режани ишлаб чиқиши	Стратегик назорат (танланган тамойилни аниқ бозор ҳолатига тўғри келиши). Йиллик назорат (режадаги Тадбирлар ва харажатларнинг бажарилиши), фойда олиш даражаси назорати.
V. Назорат қилиши	Корхонанинг имкониятлари таҳлил қилинганда унинг бозордаги шарт-шароитлари (ташки мухити) ва ўзининг ички салоҳиёти тўғрисида батағсил ахборотлар тўплаб, аниқ хулоса чиқарилади.

Корхонанинг имкониятлари таҳлил қилинганда унинг бозордаги шарт-шароитлари (ташки мухити) ва ўзининг ички салоҳиёти тўғрисида батағсил ахборотлар тўплаб, аниқ хулоса чиқарилади.

Бунинг учун «Бозорни комплекс тадқиқ қилиш» ва «Ҳолат таҳлил» усуулларидан фойдаланилади.

Бозорни комплекс тадқиқ қилиш, бошлангич даври бўлиб, корхона маркетинг дастурини ва режасини тузиш учун манба ҳисобланади. Ҳолатли таҳлил фирма фаолиятини ўзига хос тафтиш қилиш ва атрофлича баҳолашни ўз ичига олади. Унда куйидаги саволларга жавоб топиб, бирор қарорга келиши мақсад қилинади:

- корхона ўз маҳсулоти билан бозорнинг қайси сегменти (табақасини) ни эгаллайди ва уларнинг келажаги қандай?
- корхона маҳсулотига бозорда қандай талаб мавжуд?
- ким ва қандай қилиб корхонага ва унинг маҳсулотига рақобатчи?
- корхона фаолиятига қайси иктисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник ҳолатлар таъсир кўрсатиши мумкин?
- фирманинг узоқ ва яқин муддатли мақсадларининг ўзаро боғланганлик даражаси?
- кўзда тутилган мақсадларнинг ресурс билан таъминланганиги?

- корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этилиши?
- товарлар ҳаракати ва савдосининг аҳволи?
- реклама ва бошқа сотишни рағбатлантириш усулларига қандай аҳамият берилмоқда?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш ва таҳлил қилиш учун корхонанинг ички ва ташки кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда махсус танлов (сўров, тест) дастури орқали ахборотлар йигилади.

Савол:

Маркетинг стратегияси нимани билдиради?

Жавоб:

Корхонанинг маркетинг стратегияси ривожланиш мақсадларини ва бозордаги ҳаракат йўналишини аниқлашда, энг аввало унинг ички имкониятларини ҳисобга олиб, қайси соҳада — сотишнинг ўсиши орқалими ёки бозорда ўз улушкини кўпайтириш, обрусини кўтариш йўли билан эришиладими каби саволларга жавоб топади. Корхонанинг стратегик мақсадлари маркетинг тажрибасига кўра бир неча йўналишлар орқали амалга оширилиши мумкин:

Биринчидан, интенсив ривожланиш, яъни эгалланган бозорда (бозор сегментида) ишлаб чиқарилаётган товарни сотиш ҳажмини кўпайтириш орқали даромадни ошириш.

Иккинчидан, интенсив ривожланиш, бу йўл билан экстенсив имкониятлар тутагач, янги бозорларга чиқиш, ёки сегментларни, кенгайтириш, ёки бозорга янги модификацияни товар тақлиф этилади.

Учинчидан, интеграциялашган ривожланиш орқали, бошқа корхоналар билан ҳамкорликда, улар тажрибаси ва ресурслардан фойдаланиб, даромадни кўпайтириш.

Тўртингчидан, диверсификация йўли билан, яъни корхона ўз маркетинг фаолияти доирасида қўшимча хом ашёни, товарни, технологияни, истеъмолчиларни ўзлаштириш орқали рақобатбардошлигини оширишга ва фойданни кўпроқ олишга эришади.

Маркетинг стратегияси — мақсадга эришиш учун қандай ҳаракат қилиш керак? — деган саволга жавоб излайди.

Стратегик режалаштириш корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмолчилар, баҳо, реклама, сотиш ва бошқа фаолиятининг асосий йўналишини аниқлайди, ҳар бир бўлими мақсадини белгилайди ва улар ишини мувофиқлаштиради.

Маркетинг стратегияси заминида қўйидаги беш талаб (принцип) мавжуд, улар корхоналар фаолиятида ҳисобга олиниши мумкин:

1. Бозор бир хил эмас, у ўзига хос табақалар (сегментлар) дан иборат. Таклиф қилинаётган товар ёки хизмат ҳамма истеъмолчилар талабига мос келавермайди.
2. Корхона бозорда бир ёки бир неча сегмент талабларини на зарда тутиши мумкин. Аммо ҳар доим танланган бозор табақалари (сегментлари) ни ўзига жалб этишда, кўпроқ мувафақият қозонишни ўйлаш лозим.
3. Фирма бозорда мустақил ёки бошқа корхоналар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши мумкин.
4. Маркетинг воситасини танлашда кўпроқ бир-бирига мос ва ўзаро вазифалари билан бир-бирини тўлғизиб турувчиларни ишга солишини кўзда тутиш керак. Масалан, товар упаковка (ўрами) си билан нарх, товар ҳаракати билан сотиш жойини, истеъмолчилар билан алоқаларни рекламага қўшиб ишлатилиши тавсия этилади.
5. Корхонанинг бозорга чиқишида иқтисодий ҳолатни ҳар томонлама ҳисобга олиши талаб этилади. Масалан, умумий ва савдо конъюктурасининг ҳолатини, рақобатчилар билан тутган ўрни ва бошқалар.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишида энг муҳим муаммо корхонанинг фойда олишга йўналтириш ҳисобланади. Унинг ечими ни топишда жаҳон тажрибасида қўйидаги ёндашишлар мавжуд.

«Партернинг умумий стратегик модели»

Бунда корхона барча имкониятларини бозордаги бир сегментга қаратади, товар ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш эвазига, маҳсулотга паст баҳо белгилаб истеъмолчиларни кўпроқ жалб этади ва сотиш ҳажмини оширади. Бошқа ҳолатда эса, рақобатчилар йўқ бозорни янги товар ассортименти билан эгаллаб олади.

«Товарлар (бозорлар имкониятларини) қолини (матрицаси)».

Бу ёндашишда фойданни кўпайтириш биринчидан — товар ҳаракатини ўзгартиргмаган ҳолда бозорни кенгайтириш; иккинчидан — ҳали талаб қондирилмаган бозорларга кириб бориш; учинчидан — корхона бозорда яхши танилгандан сўнг янги товар ишлаб чиқариш ёки модификациясини ўзгартириш;

тўртингидан – янги бозорлар учун янги товарлар ишлаб чиқариш орқали эришилади.

«Бостон консалтинг гуруҳи қолши»

Ушбу ёндашиб орқали бозорда фойда олиш корхона фаолият кўрсатадиган худудлардан энг самарали стратегик хўжалини бўлимларини танлаш билан амалга оширилади.

Биринчи худуд – «юлдузлар» (кatta талаб ва бозорда юқори улушга эришилган). Бу худудни эъзозлаб, янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Бозордаги улушни сақлаш учун нархларни пасайтириш, реклама харажатларини кўпайтириш, маҳсулот турларини ўзгартириш ва бошқалар амалга оширилади.

Иккинчи худуд – «Софин сигирлар» (паст талаб, аммо бозорда фирманинг улуши юқори). Бу худудга қаттиқ назорат ўрнатилади.

Учинчи худуд – «қийин тарбияли бозорлар» (талаб юқори аммо бозорда улушлар кам). Бу худуд имкониятларини ўрганиш ва «Юлдузлар» худуди даражасига кўтарилиши экстимоли борман ёки ўйқилигини аниқлаш керак. Керак бўлса, ҳаракатни кўпайтириш зарур.

Тўртингичи худуд – «Итлар» (паст талаб ва бозорда оз улуш).

Агарда бундай худудни эгаллаб туришга кескин сабаб бўлмаса, ундан кутилиш керак.

Жадал (шилдатли) маркетинг стратегияси

Буни кўпчилик харидорлар – товар тўғрисида маълумотга эг бўлмаган ҳолда ишлатилади. Харидорларни жалб қилиш улар нинг талабини шакллантириш тадбирлари ўтказишга катта маблағ ажратиш орқали уюштирилади. Товарнинг ҳам баҳоси юқори ўрнатилиб, кўп фойда олиш назарда тутилади.

Бозорга ташлов асосида кириш стратегияси

Унинг ҳажми катта бўлмаган ҳолда ишлатилади. Това кўпчиликка ноаник, унга юқори баҳо кўйилса ҳам харидорла сотиб олиш мумкин. Рақобатчилар бозорда жуда оз ва шунин учун талабни раббатлантиришга кам харажат қилиб, кўпрофайдага эришиш мумкин.

Бозорга кенг кўламли кириб бориш стратегияси

Бозорнинг ҳажми катта, товар ҳақида харидорлар кам таассуси ротга эга ва унинг нархи баландлигига рози бўлмаган даврд

ишлатиладиган услуб. Ундан ташқари рақобат кучли, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш натижасида унинг таннархи пасайди ва «баҳолар уруши»га имконият яратади. Рафбатлантиришга кўпроф маблағ ажратишга имконият яратилади.

Суст маркетинг стратегияси билан бозорнинг ҳажми катта бўлганда, харидорлар товарни яхши билса-да, камроқ харажатлар қилиб, пастроф баҳо орқали, рақобат кам шароитда муваффақиятга эришилади.

Савол:

Маркетингда товар стратегияси нимани билдиради?

Жавоб:

Товар стратегияси корхона (фирма) нинг қайси товар (хизмат) турлари – ассортиментини ишлаб чиқаришни режалаштириши, бўлажак истеъмолчилар ва улар гуруҳи талабларини аниқлаш, маҳсулотнинг техник кўрсаткичларини ва истеъмол қийматларини стандартлаштириш ва сертификатлаш, унинг рақобатбардошлигини баҳолаш (дизайни, баҳоси ва х.к.), товар турларини янгилаш ва бошқаларни ифодалайди.

Маркетингда товар стратегияси – истеъмол қийматига эга ва маълум эктиёжни қондиришга хизмат қиласидиган ҳамда бозорда сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсали сифатида ўрганилади. Маркетинг товарларни энг аввало икки гурухга бўлади:

1. Якка тартибда инсоннинг шахсий истеъмоли учун фойдаланиладиган товарлар.
2. Ишлаб чиқаришга оид товарлар.

Якка тартибда фойдаланиладиган товарларни эса ўз навбатида куйидагиларга ажратилади:

- узоқ фойдаланиладиган товарлар (музлаткич, телевизор, мебель, автомобиль ва бошқалар) ахён-ахёнда харид қилинади;
- қисқа муддатларда фойдаланиладиган товарлар (озик-овқатлар, пардоз (косметика) буюмлари ва бошқалар) теззет сотиб олинади;
- турли хизматлар;
- эсклюзив хилли товарлар: агар бирор хил товар сотувда бўлмаса, харидор унинг пайдо бўлишини кутади, агар бундай товарни тополмаса, бошқасини умуман сотиб олмайди.

Энг күп манзур бўладиган ишлаб чиқаришга оид товарлар жаҳон бозорларида қуидаги хилларга бўлинади:

1. Биотиббиёт ускуналари;
2. Компьютерлар ва периферик қурилмалар;
3. ЭХМ дастур таъминоти;
4. Қурилмаларни синаб кўриш учун электрон ускуналар ва қурилмаларнинг ўзи;
5. Полиграфия техники
6. Радиоэлектроника аппарати таркибий қисмлари;
7. Юқори антиклидағи металлни қайта ишлаш ускуналари;
8. Озиқ-овқат ма супутлари учун ускуналар;
9. Упаковка машиналари;
10. Технологик ҳаво ва суюқликни тозалайдиган қурилмалар;
11. Атроф-мухитни ҳимоялаш учун ускуналар;
12. ТажриБаҳона (лаборатория) ускуналари;
13. Алоқа аппаратлари (йўлдошлар, антенналар);
14. Қурилиш материаллари;
15. Қурилиш ускуналари;
16. Қишлоқ ҳўжалик машиналари.

Стандартларда ҳар бир тургаги товарнинг хусусиятларини миқдор жиҳатдан ифодалайдиган сифат кўрсаткичлари берилади. Улар қуидагилар:

1. Товарлар функционал (лотинча – «фаолият кўрсатиш») хусусиятлари туфайли инсон ҳаётида муайян вазифани бажариб, унинг моддий эҳтиёжини қондиради. Товарларнинг иш бажариш, хизмат қилиш (функционал) хусусиятларига уларнинг тегишли вазифани бажариш учун шароит яратиб берадиган хусусиятлари киради.

Товарларнинг функционал хусусиятлари уларни истеъмол килиш мобайнида маълум физик ёки кимёвий жараёнлар натижасида юзага чиқади. Бу жараёнларга қараб уларнинг функционал хусусиятларини саккиз турга ажратиш мумкин: кимёвий, физик-кимёвий, механик, термик, оптик, акустик, электрик ва магнит (тортиш) хусусиятли турлари.

2. Товарларнинг эстетик хусусиятлари дейилганда уларнинг шакли, тузилиши ва пардози тушунилади. Товарларнинг бу хусусиятлари истеъмолчиларга бадиий завқ бағишилай олиши керак. Мутахассисларнинг кузатишларига кўра 40 фойз харидорлар товарларнинг эстетик хусусиятлари қониқарли бўлмагани учун магазиндан харид қилмасдан чиқиб кетадилар. Уларнинг

20 фоизига маданий ва ҳўжалик молларнинг шакли ёқмас эмиш. 40 фойз қизлар ва 30 фойз йигитлар дўконларда замонавий фасонда тикилган молларни тополмай, ательелар хизматидан фойдаланишар экан.

Товарларнинг эстетик хусусиятларига мисоллар:

- магнитофон шаклиниг ўзига хослиги (оригиналлiği).
- Фоиз ҳисобида янгилик даражасига қараб баҳо берилади.
- мебелнинг замонавий усула мослиги;
- уст кийим бичимининг ва пойабзал моделининг замонавий модага мослиги. Замонавий мода «Модалар уйи», «Модалар журнали», артистлар ва телевидение дикторлари орқали ташвиқот қилинади;
- стереокомплекс композициясининг уйғунлиги;
- кресло тузилишининг тектоник композицияга асосланганлиги;
- тикув машинаси композициясининг пластиклиги;
- товар композициясининг кинетикаси;
- ошхона жиҳозларининг ансамбллик яқинлиги;
- товарларнинг ташқи безаги;
- товарлар қўшимча безакларининг уларнинг эстетик хусусиятларига салмоқли хисса қўшиши.

Хушбуй атир ва атирларнинг муаттар ҳидли бўлиши ва бошқалар.

3. Эргономика (юонча – «ишлаш қонунияти») инсоннинг унумли ишлаши учун шарт-шароит ва қулайлик яратиш имкониятларини ўрганади. Товарларнинг эргономик хусусиятлари деб уларни ишлатиш қулайлиги ва гигиеник безараарлигига айтилади.

Товарларни ишлатиш қулайлиги истеъмолчининг:

- антропометрик;
- физиологик;
- психофизиологик;
- психологик хусусиятларига мос келиши;
- товарларнинг шинамлиги;
- товарларнинг универсалиги;
- жилдириш ва жойлаштириш қулайлиги.

Товарларнинг гигиеник безараарлиги эса – уларни ишлатиш безараарлиги, хавфсизлиги, шовқинсизликни таъминлаш хусусиятларини билдиради.

Товарларнинг пишик-пухталиги (мустаҳкамлиги) – уларнинг бузилмай ишлашини, чидамлилигини, ремонтга яроқлилигини, ташки мұхиттега инертлитетини билдиради.

Бұлажак харидорларнинг олдиндан аниқланған мұайян гүрухыга аниқ мұлжаллаб товарни лойихалаш. Бунда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) товарлар ва хизматларни таклиф этаркан, «ўртача» харидор эҳтиёжларини эмас, балки аниқ харидорлар (пировард истеммолчилар) ни мұлжаллаб иш тутиши энг асосий масаладир.

Савол:

Товарнинг рақобатбардошлиги қандай түшүнчә?

Жауоб:

Рақобат – сүзи лотинчадан олинган бўлиб, мақсадга эришиш учун кураш, кишилар орасидаги мусобақани билдиради. Бозордаги рақобат эса кўпроқ товар сотишини кўзлайди. Рақобатнинг асосий қуроли бўлиб, талабни шакллантириш ва сотишини рағбатлантириш воситалари хизмат қиласи. Асосий ахборотни харидорлар товар ишлаб чиқарувчилардан олишади. Харидорларни асосан товарнинг истеммол қиймати қизиқтиради.

Рақобат, бозорда таклиф талабдан юқори бўлганда, фирмалар ичидаги эмас, балки товарлар орасида намоён бўлади. Рақобат асосан қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин. Товарларнинг хизматлари бўйича, бир хил эҳтиёжни қондиришга қаратилган рақобат. Масалан, спорт, китоблар ва пластинкалар кишининг маданий дам олишига қаратилган – шунинг учун улар бир-бiri билан рақобатчи.

Бир хил товарни ҳар хил фирмалар ишлаб чиқариши орқали бўладиган рақобат. Ёки бир хил фирма томонидан ҳар хил модификацияда товар ишлаб чиқариш. Баҳолар орқали рақобатлашиш энг кўп тарқалган. Баҳони пасайтириб бозорни эгаллаш. Товарларни истеммол қилиш (шлатиш) жараёнидаги баҳосини пасайтиришга электр, ёниғи ва материал сарфларини камайтириш ҳамда хизмат қилиш муддатини купайтириш орқали эришиш.

Жаҳон бозори тажрибасида рақобатнинг қуйидаги шарт шароитлари мавжуд:

1. Агар рақобатчилар кучи тенг ва стратегиялар бир-бiriiga ўхшаш бўлса, бозорда мувозанат узоқ сақланмайди, улар орасида келишмовчилик сусаймайди;
2. Сизнинг рақобатчингиз ҳамма нарсадан хабардор деб билинг;
3. Рақобатчининг ғаши келтирадиган ҳаракатлар қилманг;

4. Сизнинг ҳаракатларингиз ўзингизнинг имкониятларингизга мос эканлигига рақобатчингизни ишонтириңг.

Фирманинг бозордаги улушига қараб рақобат кўрсаткичлари аниқланади:

Илфор (зўравон) 40 фойзгача ва ундан ортиқ.

Илфорликка даъвогар 30 фойзгача.

Бозорда унча омади келмаган 10 фойзгача.


Маркетинг нұқтаи назаридан фирмалар ўз рақобатчилари стратегиясини ўрганишда қуйидаги саволларга жавоб топадилар:

- бошқа товарларни рақобатбардошлигини белгиловчи омиллар қайсилар?
- рақобатчи-фирмаларнинг реклама воситалари ва со-тишни рағбатлантириш усууллари?
- қайси савдо белгилари ишлатилмоқда?
- рақобатчилар товарларининг ўрамаси – безаклари, дизайнида нималар кўзга ташланмоқда?
- товарни кафолатли ва ундан кейинги ишлатиш даврларида қандай сервис таклиф қилинмоқда?
- миллий савдо тармоқлари орқали товар сотилмоқдами ёки фирма ўзининг шохобчасини ташкил этганми?
- рақобатчилар қўллаётган товар ҳаракати (транспорт, заҳиралари ҳажми, омборлари ва уларнинг жойланиши). Натижада рақобатчилар нима учун шундай ҳаракат қилишапти, бошқача йўли йўқми? деган саволга жавоб топилади.

Харидорлар ҳатти-ҳаракатини кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, улар товарларни таққослашда, қайсисини ишлатиш самарадорлиги (Р) сотиб олиш ҳаражатларига (С) нисбатан юқори бўлса, ўша товарни кўпроқ танлашади. Демак, товарни рақобатбардошлиги (К) умумий кўринишда $K=P/C$ бўлади. Товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бозорни таҳлил қилиб, ўзимизнинг товаримизга ўхшаш товар намунасини топиб олиш;
- бизнинг товар билан солиштириладиган товарлардаги асосий кўрсаткичларни белгилаш;
- ўзимизнинг товаримиздаги интеграл (умумий) рақобатбардошлик хусусиятини аниқлаш.

Товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш босқичлари:



Савол:

Маркетингда товар ва хизматларнинг (баҳо) стратегиясини ифодаланг.

Жавоб:

Нархлаштириш фирманинг бозорда аниқ улушга эришиши, кўзда тутилган фойдани олиши ва умуман товарнинг қайси ҳаётий босқичида, қандай сиёсат юргизиб, рақобатчилар хаттилар раҳбарларининг (менежерлари) фикрларича, нарх стратегиясини тўғри танлаш янги товарни бозорга киритиш, та бақалаш, сотиш ҳаражатлари ва бошқа 14 омилдан ҳам муҳимроқ ҳисобланади. Чунки кейинги вақтда банк тизими,

транспорт воситалари ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига кўпроқ эркинлик бериш баҳо рақобатини кучайтирмоқда.

Нархни ўзгартириш орқали рақобат талабнинг ошиши ёки пасайишига боғлиқ. Аксинча, нарх қанча паст бўлса, талаб шунча ошади. Баҳо талаб қайишқоқлигининг ўзгаришига олиб келади. Аммо ҳамма харидорлар ҳам баҳонинг ўзгаришига бир хил муносабатда бўлмайдилар.

Корхоналар ўз товарларига баҳо белгилашдан олдин, унга таъсир этувчи ташқи омилларни чуқур таҳлил қилишлари зарур.

Жаҳон тажрибасида истевъмолчиларни харид қилишларига қараб қўйидаги тўрт турга (сегментга) бўлиб ўрганилади:

- тежамли харидорлар – харид қилишда асосий ёътиборни товар баҳосига, сифатига ва ассортиментига қаратади;
- ўз мавқеига ишонган харидорлар – товар образига, фирма обрў-ёътиборига ва хизмат кўрсатиш даражасига кўпроқ аҳамият беруб, камроқ қарайдилар.
- нафосатли харидорлар – кичик фирмаларни қўллаб-куватлаш учун улар товарлари турларига ва баҳога аҳамият бермайди;
- фақат товар сотиб олиш жараёнидаги қулай шароитлар қараб (баҳосидан қатъи назар) товар харид қилувчи истевъмолчилар.




(Баҳога таъсир этувчи омиллар)

Баъзи харидорлар универсал ассортиментли ва паст баҳо билан савдо қилувчи дўконларни кўпроқ хоҳлашади. Хукумат ўз томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бошқа айрим товарларнинг сотилишини чегаралаб туриш мақсадида баҳо сиёсатига таъсир кўрсатади.

Товар ҳаракати қатнашчилари: ишлаб чиқарувчи фирма кўпроқ фойда олиш мақсадида монопол баҳо ўрнатишга, ултуржки ва чакана савдо тармоқлари ҳам ўз фойдасига кўпроқ

қўшимча ҳисса олишга ҳаракат қиласди. Баҳога таъсир этувчи асосий омил – бу рақиблар сиёсатидир. Агар бозор тўйинган – «харидорлар» бозори бўлса, бошқа омиллар таъсири сезилмайди. Фақат нархлар рақобати орқали талаб ва таклиф мувозанати таъминланади. Шу билан бирга, баҳога товар ишлаб чиқариш ҳаражатлари – хом ашё, иш хақи, транспорт, реклама кабиларга бўлган сарфлар таъсир кўрсатади. Нархлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш қуидаги босқичларни ўз ичига олади. Мақсадни аниқлаш, нархлаштиришнинг умумий сиёсатини белгилаш, баҳо стратегияси, стратегияни амалга ошириш ва нархни мослаштириш. Амалиётда, нархлаштиришнинг уч хил мақсади мавжуд, фирма улардан бирини танлаши мумкин.



(Нархлаштиришнинг мақсадлари)

Биринчи ҳолатда фирма бозорда ўз улушини кўпайтиришга қизиқса, иккинчисида – фойдан кўпайтириш кераклиги, да-кўзлайди. Фирма бозордаги ўз ҳолатини ушлаб туришига асос-ҳаракатларнинг олдини олишга, рақиблар таъсирини пасайти-сақлаб қолиш, янги рақобат чиқишига қарши туриш ва баҳони мувозанатлаштиришга ҳаракат қиласди.

Нархлаштиришнинг умумий стратегияси доирасида, фирма товарининг баҳоси унинг аниқ бозори ва маркетинг фаолияти

билин борланади. Фирманинг нархлаштириш стратегиясини қуидаги 5 омил аниқлайди: аниқ ҳаражатлари ва фойдаси, рақиблар товаридаги истеъмолчини қизикирувчи хусусияти, харидорлар талабидаги фарқлар, рақибларнинг ҳаражатлари ва корхона маркетинг мақсадлари.

Баҳо стратегияси. Амалиётда баҳо стратегияси ҳаражатлар, талаб ва рақобатга асосланган бўлади. Ҳаражатларга биноан то-вар баҳосини аниқлашда маркетологлар ишлаб чиқариш ҳаражатлари, мумала сарфлари ва қўшимча ҳаражатларга ҳоҳлаган фойдани кўшадилар.

Талабни ўрганишга асосланган баҳо стратегиясида маркето-логлар бозорда истеъмолчилар ҳоҳиши ва истакларини тахлил қилиб, уларга мос нарх ўрнатади.

Рақобатга асосланган баҳо стратегияси бўйича товарга бозор-дагидан баланд ёки паст нарх белгиланиши мумкин. Унда асосий эътибор товарни рақибларнига қараганда афзаллик томонла-ри, сервис ва рақобат муҳитига қаратилади.

Юқоридаги мақсадларга кўра товар нархининг асоси (бази-си) яратилади. Нархлаштириш босқичлари:

Биринчи:

1. Бозорга чиқарилаётган товарга бўлган талаб ҳажми ва унинг динамикаси аниқланади.
2. Рақобатли бозорда ҳар бир товар гурӯҳи бўйича талабнинг қайишқоқлик кўрсаткичи ҳисобланади.
3. Харидорларнинг иқтисодий ва психологоик имкониятлари асосида мазкур товарни сотиб олиши ва таҳминий баҳоси белгиланади. Баъзида, фирмалар янги товарларига харидор-ларнинг ўзлари нарх белгилаб беришларини ҳам таклиф қиласди. Бунда уларнинг мавқеи ошади ва яхши reklama во-ситаси бўлади.

Иккинчи:

1. Корхона учун маъкул бўлган баҳони танлаш, унинг бўлажак сотиш ҳажмига кўпайтириш орқали мўлжалланган фойда олиш режаси таъминланади.

2. Жами ҳаражатларни ҳисоблаш. Бунинг учун улгуржи нархни аниқлашдан бошлаймиз.

(Рақамлар доллар ҳисобида товарнинг ҳар бир ўлчов бирли-гига тўғри келади.)

Тўғри ҳаражатлар.....	2,4
Материаллар	2,0

Иш хақи.....	0,4
Тұғри накладной харжатлар	0,6
Ұзгарувчан	0,8
Жами.....	3,8
Доимий накладной харжатлар	1,2
Тұла харжатлар (таннырх)	5,0
Фойда.....	1,0
Солиқлар	3 фоиз
Сотиш баҳоси.....	6,0

Учинчи:

1. Товар нархи даражасини ва таркибини рақиблар товарлари баҳосига нисбатан аниқлаш ҳамда унинг товарни техникиктисодий күрсаткычлари сифати ва бошқа рақобатбардошликтік хусусияти асосида корректировка қилиш.
2. Нархни товар етказиб бериш шарты ва муддатига мослаштириш.
3. Нархни рақибларнинг бұлажак ҳатти-харакатларига мослаб ўзгартыриш.

Тұрткынчи:

1. Нархнинг юқори ва паст камчиликларини ҳамда унинг қамайтириш чегараларини аниқлаш.
2. Нарх динамикасини ва уни товарнинг бозордаги ҳәёттій босқычларига бөллиқ томонларини топиш.

Мисол, яхши ишләёттән компания учун товарнинг ҳәёттій босқычларда ҳисобланған нарх:

Ҳәёттій босқычлар	Товар бирлигі нархи	Сотиш ҳажми		Фойда (20 фоиз) минг долл.
		дона	минг долл.	
Кириш	1425	4000	5700	1700
Үсіш ва етилиш	1200	5000	6000	1000
Түшкунлик	700	1000	700	300
Жами:		10000	12400	2400

Бешинчи:

1. Товарнинг хиллари (модификациялари) орасидаги мутансибликни топиш.
2. Товарлар модификацияларининг сифат белгиларига мос баҳо қизигини аниқлаш.

3. Улар ичидан товарлар моделларини аниқ фарқловчы өзгәранған баҳолар сонини ўрнатиши.
4. Құшимча ва ёрдамчи товарлар баҳосини аниқлаш. Товарларни мажбурий комплектларга киравчы қисмларига (әхтиёж қисм, батарейка ва қоказо) баҳо қўйиш.
5. Нарх тартибини шакллантириш ва қайси ўлчов бирлитетини унга асос қилиб олиш.

Олтминчи:

1. Нарх тактикасини ишлаб чиқиши:
 - бир хил чизиқли нарх – бир маҳалда ва бир хонада ҳар хил товарлар бир хил нархда сотилади;
 - тушиб бораётган, зарар кураётган зұравон фирмамен үз товарларини паст баҳода сотиши;
 - мавсумлараро товар сотишни ташкил этиш ва бошқалар.

2. Сотувчига тұғри келадиган айрим яхши ва ёмон шароитларни ҳисобга олиш ва шүнга мос равищда товар нархига имтиёз бериш ёки құшимча қилишини күзде тутиш.

Еттінчи:

1. Товарнинг контракт (шартнома) асосида сотиш нархини аниқлаш. Ү ҳам каттық, кейинчалик күриладиган ва ўзгарувчан бұлади.
2. Товарнинг экспорт баҳосини топиш;
3. Нархнинг базис шартлари баҳосини аниқлаш. Халқаро савдо палатасиңинг «Инкотермз-90» тәсвияси асосида олиб борилади.
4. Валюта баҳоси ва валюта тұловини аниқлаш ва сұғурталаш шартлари контрактнинг алохыда қисми ҳисобланади.

Баҳо стратегиясини амалға ошириш

Маркетингда бир неча баҳо стратегиялари мавжуд. Юқори баҳо ёки «қаймогини олиш» стратегияси – аввало товар баҳосини ишлаб чиқариш нархидан анча юқори ўрнатиб, аста-секин уни тушириб боради. Бу усул билан янги товарлар (патентлар билан ҳимояланған) сотилади ва бозорға киргандан кейин сегментлар гурӯхини көнгайтириш мақсадида арzonлаштириб борилади. Юқори баҳо стратегияси, сотувчига тезда сарф-харажатларни қайтариб олишга ёрдам беради. Аммо фақат янги, юқори сифатли, күп хусусиятлары билан бошқалардан фарқ қылувчи товарлар ҳамда истеъмолчиларнинг ҳам алохыда – новаторларига мүлжалланған бұлади. Фирма бозорда янги товарлар тақлиф қилишда

мо. опол ҳолатда бўлса, талаб таклифдан юқори, баланд нарх ҳаридорлар томонидан юқори сифатли товар белгиси деб қабул қилинган вақтларда бу стратегия ўзини оқлади.

Кейинчалик бозорда ўхшаш товарлар — рақиблар пайдо бўлгандан кейин (бозор етилганда) фирма ўз товари нархини тушира бошлайди ва бошқа сегментлар учун янги товар модификациясини яратади бошлайди.

«Паст нарх» стратегияси ёки «ёриб кириш»

Товарлар бошлангич баҳоси паст ўрнатилиб, талаб рагбатлантирилади, рақобатда ютиб чиқилади, рақиблар товарини бозордан сиқиб чиқарилади, унда асосий улушкини эгалладиди ва кейин товари нархини ошира бошлайди. Аммо «харидорлар» бозорида бу стратегияни кўллаш жуда қийин, фақат туйинмаган «сотувчилар» бозорида бирор натижага эришиш мумкин.

«Стандарт ва ўзгарувчац нархлар ўрнатиш»

Агар товар ҳаракати қатнашчилари ўз товари баҳосини ўзgartирмасликка интилса, кўп вақт стандарт нарх сақланиб туради. Бунда қандолат, сақиҷлар, транспорт хизмати ва ҳоказолар баҳосини фирма сарф-харажатлари кўпайса ҳам бир меъерда ушлаб туради. Аммо товарлар ўрамаси, қадоғи ёки бошқа сарфларини камайтирилади.

Ўзгарувчан нархлар бозорда талаб кўпайса ёки давлат миёғисида бирор иқтисодий тадбир ўтказилса, шунга мос равишда товарлар ва хизматларга янги баҳолар ўрнатишни билдиради.

Дискриминация баҳолари, айрим сотувчиларга маъқул келмаган харидорлар учун, айниқса давлатлар орасидаги муносави нархлар ўта юқори, товарни сотиб олувлчига бир неча маротаба оғир тушадиган қилиб ўрнатилади.

Ягона нарх стратегияси ёки ҳамма истеъмолчилар учун бир хил баҳо ўрнатиш. Бундай стратегия товарларни наъмуналари бўйича каталоглар ва алоқа бўлимлари орқали сотища ишлатилади.

Кайишқоқ баҳолар харидорларнинг имкониятларига қараб ва савдолашиб қобилиятлари асосида ўрнатилади. Бу нархлар якка тартибда шартномалар тузишда кўпроқ ишлатилади.

Бутун рақамсиз баҳо қўйишда харидорлар психологиясини ҳисобга олади. Баъзи харидорлар, айниқса аёллар савдо кўлганларида қайтимини олишни яхши кўришади. Ундан ташқари,

агарда 49,50 сўм ёки 199 сўм баҳо ёзиг қўйилса, фирма товари нархи жуда синчиликланиб кўрилган, харидорда паст ва аниқ баҳо қўйишга ҳаракат қилинган — деган фикр-мулоҳаза туғилади.

Товар нархи ва сифати орасидаги боғлиқлик, бу тамойил бўлиб, унга асосан истеъмолчилар юқори баҳонинг манбаи яхши сифат, аксинча паст нархли маҳсулот сифатсиз деб ҳаракшини англаради. Шунга асосан «алоҳида юқори баҳолар» ўрнатиласди. Чунки харидорлар жуда паст нархли товарларни олишга хавфсирайдилар. Демак, бозорда товар нархининг шаклланишига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг барчасини товар нархини белгилашда, ўзига хос ҳолатларда ҳисобга олиш тавсия этилади. Фирма баҳо стратегияларининг бир нечасини мувофиқлаштириб, бозорнинг аниқ конъюктураси ва умумий маркетинг вазифаларига асосланган равишда кўллади.

Савол:

Улгуржи савдо нимани англаради?

Жавоб:

Улгуржи савдо умумлашган воситачи ҳисобланади ва қуидаги вазифаларни бажаради. Улгуржи савдодан саноат корхоналари, тижорат фирмалари ва давлат муассасалари улгуржисига товар сотиб олишлари мумкин. Улгуржи савдо, товарларни улгуржисига олиб, яна нақд пулсиз улгуржисига сотишни ташкил этади. Унинг аҳамияти:

- чакана савдога ишлаб чиқариш фирмаларининг тор асортиментини кенгайтириб таклиф этади;
- катта ҳажмда товар сотиб олиб, мумомала харажатларини камайтиради;
- юқори малакали товаршунос ва маркетологлар билан товарлар бозорини чукур ўрганади;
- товарларни сақлайди ва керакли товар заҳираларини шакллантиради;
- ишлаб чиқарувчилар ва чакана савдо ўртасида мустаҳкам алоқа боғлайди, уларга молиявий ёрдамлашади ва бошқалар.

Улгуржисига фаолият кўрсатиш товар ишлаб чиқарувчилар, тижоратчи фирмалар, агент ва брокерлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар улгуржи савдо фаолиятини маҳсус бўлим ёки фирмалар ташкил этиш орқали амалга оширади.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи маҳсус тиҷорат фирмалари – улгуржи савдо базалари, омборлари ва товар биржалари шаклида, ҳусусий, ҳиссадорлик, қўшма ёки давлат мулкига асосланган бўлишлари мумкин.

Улгуржи савдо базаси мустақил фаолият кўрсатувчи, маҳсус омбор хўжалигига ва малакали ходимларга эга бўлган фирма мавқеида ишлади. У товар ассортиментларини қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнини ташкил этади. Улгуржи савдони ташкил этишда товарлар базалар орқали ёки уларнинг топшириги билан ишлаб чиқаришдан тўғридан-тўғри истеъмолчи фирмага (транзит усули) етказиб берилиши мумкин. Аммо улгуржи савдо базаларининг товар ҳаракатини ва сотилишини ташкил қилишдаги аҳамияти бекёёсdir. Уларнинг фаолият кўрсатишлари учун объектив заруриятлар мавжуд. Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш қонунияти маҳсуслаштирилиши туфайли товарлар кўп корхоналарда тор ассортиментли бўлади. Чакана савдо учун эса аҳолига мўл-кўл, универсал ассортиментли товарлар таклиф этиш замонавий маркетинг талабидир. Улгуржи савдо базалари яна шу тор ишлаб чиқариш ассортиментидан кенг, универсал савдо ассортиментини шакллантиради. Товар биржалари фаолиятининг улгуржи савдо базаларидан фарқи, улар товарларни сотиб олиш ва қайта сотиш билан шуғулланмайди, омбор хўжаликлари ҳам йўқ, улар фақат воситачилик қиласидар. Агент ва брокерлар воситачилик ишини бажарадилар, аммо моддий жавобгарликни буйинларига олмайдилар. Агентлар ишлаб чиқариш фирмаларида ва улгуржи савдо ўринни эгаллайдилар. Брокерлар жойи биржада танлов асосида сотилади, улар бир томондан, биржадан, иккинчи томондан, ўз фоолиятлари учун ҳақ оладилар.

Дилер – мустақил кичик воситачи-тадбиркор бўлиб, олди-сотди ишларини бажаради ва моддий жавобгарликка эга.

Савол:

Товар биржаси нима дегани?

Жавоб:

Товар биржаси – товарларни намуналари орқали улгуржи савдосини амалга оширади. Товар биржаси хўжалик ҳисобида иш юритади ва ҳар хил мулк шаклига эга бўлиши мумкин. Товар биржасида олди-сотди муносабатлари савдо шартномаларини

тузиш билан яқунланади. Товар биржасида брокерлик ўринлари олдиндан аниқ бўлиб, уларни ҳиссадор жамиятлари, корхоналар ва фирмалар сотиб олиб ўз вакилларини тайинлаши мумкин. Брокерлар қайси ташкилотга қарашли бўлса, улар номидан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқига эга. Товар биржаси эса брокерлик жойларини сотишдан ва воситачилик хизматини бажаришдан келган маблағ ҳисобига фаолият кўрсатади. Товар биржаси савдо жараёнларини тартибга солади, сотувчиларга ўз товар намуналарини кўрсатиш ва реклама қилишга жой ажратади, қулийликлар яратади. Товар биржасида олди-сотди жараённида сотувчи ва харидорлар ўртасида келиб чиқувчи мунозараларни ҳал қилувчи маҳсус юридик хизмат ташкил этилади. Товар биржаси ўз худудлари, регион, мамлакат ва жаҳон бозорларида нарх-наволар ва уларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ийгади, чоп этади ва ўз мижозларини хабардор қиласиди.

Савол:

Чакана савдо қандай тушунча?

Жавоб:

Чакана савдо аҳолига тўғридан-тўғри товар сотиш ва хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир.

Чакана савдо товарлар ассортиментининг шаклланишида қатнашади. Харидорларга товарлар сифат кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар беради. Товарларни сақлаш, қўшимча ишлаш, баҳоларини ўрнатиш ва бошқа вазифаларни бажаради. Натижада товарларнинг охирги истеъмолчилари билан олди-сотди шартномасини бажаради. Чакана савдо мулкчилик шакли, усули ва хизмат кўрсатишлари билан турланади. Ҳусусий ҳиссадорлар, ижара ва қўшма мулкларга асосланган чакана савдо ҳозир барча мамлакатларда, шу жумладан, бизда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Чакана савдонинг моддий-техника асосини дўконлар, универсаллар, маҳсуслашган дўконлар, супермаркетлар, ошхоналар ва кўпчилик майдада шоҳобчалар ташкил этади. Улар ичига баъзиларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Универсал дўконнинг савдо майдони 400 кв. метрдан кўпроқ бўлиб, у асосан ноозик-овқат товарлари билан савдо қиласиди. Катта қишлоқлар, туман марказлари ва шаҳарларда ташкил этилади. Унинг асосий ассортименти газлама, атторлик буюмлари, кийим-кечак, трикотаж товарларидан бошланиб, савдо майдони ва жойлашган ерига қараб бошқа товар гурӯҳларини, хатто озиқ-овқатларни ҳам ўз

и чига олиши мүмкін. Универмаг ноозиқ-овқат товарлари чакана савдосыда бosh дүкон хисобланади. Унинг ассортиментига қаралған, башқа дүконлар ўз товар ассортиментини шакллантиради. Универмаг ўзининг товар сотиш технологияси ва хизмат күрсатыш услуги билан башқа дүконларга ўрнак ва намуна бўлиши шарт. «Супермаркет»нинг савдо амалиётига кириб келиши (АҚШда бошланиб) маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бозорда товарларни сотиш муаммоларининг кун тартибига қўйилиши, «сотувчи бозоридан» «харидор бозори»га ўтиш кундаклик эҳтиёж товарлари чакана савдосыда янги босқичга ўтишни тақозо этди. У «Супермаркет» туридаги дүкон, яъни ўта янги бозор, савдони ташкил этишни ўз зиммасига олади. «Супермаркет» савдо майдони 400 кв. метрдан кўп бўлган ва асосан универсал ассортиментли озиқ-овқатлар ҳамда улар билан бирга сотиб олинадиган ноозиқ-овқат товарлари билан савдонинг энг ривожланган усууларини қўлловчи, фақат ўз-ўзига хизмат, янги техника ва технология асосида ишни ташкил этувчи дүкон ҳисобланади. У асосан катта қишлоқларда ва шаҳарларда ташкил этилади. Махсус дўконлар давр талаби билан кўпроқ шаҳарларда ташкил этилади. Улар товор гурӯхига ва хизмат қилиш усулига қараб фарқланади, Масалан, «Хўжалик моллари», «Маданий моллар», «Нон», «Сут», «Уй-рўзгор моллари», «Спорт», «Турист», «Автомобиль» ва вазифаси аҳолига товар ва хизматларни харид қилишлари учун катта қуайликлар яратишдан иборат.

Маркетинг тизимида тўғридан-тўғри савдо корхоналарида реялаштириб, амалга ошириладиган мустақил тадбирлар йўналиши – «Мерчендейзинг» дейилади. Унга харидорларнинг ўзига хизмат қилиши ва башқа ривожланган товар сотиш усууллаберишга қаратиш, мослаштирилган баҳо сиёсатини олиб бориш, дўконлар ички рекламаси, қўшимча хизматларни кўпайтириш, талабни рағбатлантириш кабилар киради. Мерчендейзинг восита ва юқори даражада рентабелликка эришишни кўзда тутади. Масалан, замонавий «Супермаркет»ларда савдо фаолиятининг муваффақияти, қайси товар унинг ассортиментига қўшилганлиги, қаерда ва қандай қўйилганлиги, товар бўлимининг жойлашиши, харидорлар ҳаракати (оқими) нинг савдо майдонида ўюштири-

лиши ҳамда истеъмолчилар психологиясини билиш кабиларга боғлиқ. Натижада ҳар бир метр савдо майдонида кўрсатилаётган товарлар ва доимо дўконнинг жами савдо майдонидан самаралироқ фойдаланиш тўғрисида сўз боради.

Савдодаги маркетинг бўйича мугахассис (мерчендейзер) бозорни, товарни, рентабеллик масалаларини, фойда ва башқаришни яхши билиши талаб этилади. Товарни ишлаб чиқариш технологиясини ва ундаги ўзгаришларни билиши керак. Мерчендейзер доимо кўз олдилда товарни фақат баҳосидаги фарқдангина (улгуржисига олинган ва чаканасига сотиладиган) фойда келиши эмас, балки унинг кўпроқ айланишидан ва савдо майдонида узлуксиз бўлишига ҳам боғлиқ бўлади. Маркетингдаги савдо сиёсати доимо ривожланиб, янги-янги шакл ва услубларни яратиб туради.

Масалан, Японияда харидорлар билан ишлашга кўп аҳамият берилади. «Харидор–подшо, унинг ҳамма ҳоҳиши бажарилиши шарт» деган «олтин қоидага» кўпчилик компаниялар риоя қиласи, Токиодаги «Мацуя» номли универсал моллар дўконида «сотувчи қизлар хар бир кириб келаётган харидорга ярим эглиб, у харид қилгандан кейин эса, яна тўлик букулиб таъзим қилишлари одатга киритилган.

Замонавий харидор товарни бозордаги сотиш жараёнида ва унинг ишлатилиши даврида, турдирилган қуайликларга – сервисга катта аҳамият бермоқда. Ривожланган мамлакатларда янгидан-янги сotиш усувлари – видеожурналлар, видеомагнитофонлар ва компьютерлар орқали «Телемаркет», «Радиомаркет» ва телефонлар билан товарлар савдо қилиш кенгайиб бормоқда.

Савол:

Рекламанинг моҳиятини тушунтириб беринг?

Жавоб:

Товарлар ҳаракатида асосий ўринни реклама эгаллайди. Бу бозор фаолиятининг кўп қиррали кўриниши бўлиб, у баъзан мустақил йўналишга ажратилади. Маркетинг ва реклама бир йирик жараённинг икки томонини ташкил этади. Шу билан бир вақтда реклама маркетинг тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Мутахассислар фикрича, реклама коммуникация шакли деб қаралади, қайсики, у товар сифати ва хизмат кўрсатишни, шунингдек ғояни истеъмолчининг талаб ва эҳтиёжига мувофиқ ташкил этишга интилади.

Рекламанинг моҳияти ишлаб чиқарувчи манфаатидан келиб чиқиб харидорда товарни сотиб олиш тўғрисида тасаввур уйғотишидан иборат. Рекламага товар ишлаб чиқарувчи ўз товари билан бозорга кираётгани тўғрисидаги ахборот деб қараш лозим. Бунда сўз товар истеъмолчининг эҳтиёжини маълум дараҷада қондираётгани ҳақида бораётганини тушуниш мұхим. Ишлаб чиқарувчи манфаати маҳсулотини бозорда сотишга, харидор манфаати эса ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлади.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги коммуникатив алоқа реклама хисобланади. Реклама корхона ва бозор ўртасидаги бутун алоқа тизимини ўз ичига олади. Истеъмолчи реклама қилинаётган товар тўғрисида малакали билимга, яъни тасаввурга эга бўлиши керак. Реклама хабарлари шундай бўлиши зарурки, у истеъмолчидаги товарга нисбатан ижобий муносабат уйғотиши ва уни сотиб олишга ишонч уйғота олиши лозим.

Реклама мазмунига келганда, унга товарларни ва уларнинг истеъмол қилиш хусусиятини ташвиқот қилиш деб қаралиши шарт. Айrim қараш ва ғояларнинг шаклланишини ташвиқот қилиш рекламини ривожлантиришнинг янги имкониятларини очади.

Маркетинг фаолияти тажрибаси шуни тасдиқлайди, рекламанинг таъсиричанлиги унга товарларни ишлаб чиқарувчидан тортиб истеъмолчигача бўлан харакат тизимидағи ўринга изоҳли аҳамият берилишига боғлиқдир. Рекламанинг самарадорлиги эса жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва истеъмол баҳоларининг ўзгариши билан ўлчанади.

Рекламанинг фаолият доираси ўз ичига:

1. истеъмолчининг реклама қилинаётган товар ва хизматга ҳамда бозорга бўлган эҳтиёжини ўрганишни;
2. мақсадга эришишни стратегик режалаштириш, бозор чегарасини аиниқлаш, реклама воситаларидан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ва уни молиялаштириш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқиш;
3. реклама воситаларини танлаш буйича ҳаражатлар тизимини белгилашда тактик қарорлар қабул қилиш, матбуотда эълонларнинг ёритилиши ва намойиш қилиниши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;
4. матн ёзишни ҳисобга олган ҳолда эълон тузиш, макет тайёрлаш, уии бадиий безаш ва уларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Реклама воситалари – оммавий ахборот (телевизор, радио, газета, журнал), қайсики реклама мурожаатларини кенг тингловчилар оммасига етказувчи реклама мутахассисларидир.

Журналлар, газеталар, телевидение ва радиостанциялар ўзларининг нореклама мазмунига керакли тингловчиларни жалб қиласиди, реклама берувчилар эса унга мурожаат этиш имкониятига эга бўлади.

Бошқа реклама воситалари эса маълум даражадаги кишиларни ўзига жалб этиш мақсадида реклама мурожаатларига (туғри алоқа рекламаси, макетлар, жамоат транспортидаги турли ёзувлар, савдо биноларини реклама жиҳатидан безаш) таянадилар. Реклама – бу оммани хабардор қилиш усулидир. Истеъмолчилар билан яқин алоқа ўрнатишда оммавий ахборот воситалари унга ёрдам қиласиди.

Савдо reklamasining ўзига хос хусусияти – харидорни чорлаш ва қакиришдан иборат. Шу билан бирга, савдо reklamasи аҳоли саломатлиги йўлида товарларнинг айрим турларини истеъмол қилишни кўпайтириш мақсадида уларга таъсир ўтказиш воситасидир.

Халқнинг турмуш даражаси оша бориши, савдога бўлган талаблар кучайиши ва қўпинча янги талаблар қуилиши reklama билан боғлиқдир, чунки савдо халқ истеъмолини қондириш жараёнидир.

Реклама савдо маданиятини оширишга кўмаклашмоғи лозим. Реклама яхши йўлга қўйилган бўлса, харидорлар ўзларига зарур товарларни тез топиб, осон ва кўп вақт сарфламай сотиб оладиган бўладилар. Шу тариқа товарни сотиш тезлашади, савдо ходимлари меҳнатининг самарадорлиги ортади, муомала чиқимлари камаяди.

Савдо reklamasи аҳолига ҳаммага маълум бўлган баъзи бир товарлар тўғрисида фойдали маълумотлар бериши, шу товарларнинг хусусиятлари, қимматли жиҳатлари, уларни ишлатиш усуllibarini тушунтириши керак.

Аҳолини айрим савдо корхоналари тўғрисида, бу корхоналар кўрсатадиган хизматлар ҳақида, унинг иш вақти, товар сотиш усуllibarini тушунтириши керак.

Савдо reklamasи кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзлайди, бу нарса унинг ғоявийлик, ҳаққонийлик, аниқ мақсадни кўзлаш сингари асосий белгиларида намоён бўлади.

Рекламанинг ғоявийлиги унинг ўз моҳиятидан келиб чиқади. Амалий жиҳатдан олганда бу нарса савдо реклами воситалари мазмунининг ҳалқ моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш соҳасидаги ҳукумат сиёсатига мос келишидан иборат талабдир, шунингдек, у реклама ижодкорлигига маълум тарбиявий томони ҳамда унинг айрим воситалари харидорларга турмуш шароитларини яхшилаш, тўғри овқатланиш, бўш вақтдан унумли фойдаланиш тўғрисида йўл-йўриқ бериши лозимлигини ҳам шу ўринда эслатиб ўтмоқ керак.

Ҳаққонийлик мажбурий белги бўлиб, товарлар, унинг сифати, фазилатлари ва устунликлари тўғрисидаги маълумотлар хақиқатга тўғри келиши лозимлигини билдиради. Ундан ташқари, ҳаққонийлик ишонарли далил-исботларда ва реклама воситаси баёнида фойдаланилган рақам ва маълумотларда ифодаланади.

Аниқ мақсадни кўзлаш рекламага хаддан ташқари берилиб кетишдан сақлайди, воситалардан унумсиз фойдаланишининг оддини олади.

Рекламанинг тарбиявий ва иқтисодий жиҳатлари бир бутун бўлиб қўшилади, чунки у харидорнинг психологиясига таъсир ўтказиш орқали мамлакатимизда ишлаб чиқарилган у ёки бу товарнинг юқори сифатли эканлигига ишонтиради. Товар эса ишлаб чиқаришнинг товар маҳсулоти бўлганлиги учун ишлаб чиқариш даражасининг ўзини тавсифлайди. Демак, яхши товар — мамлакат муваффақиятларининг энг яққол кўрсаткичларидан биридир.

Аммо бизнинг савдо реклами из юксак савдо маданияти талабларига ҳозирча тўла-тўқис жавоб бераётгани йўқ. Шу сабабли уни такомиллаштириш ҳамда унинг усулларини хилма-хил қилиш, харидорларга таъсир ўтказиш кучини ошириш, бадиий-эстетик жиҳатини яхшилаш, иқтисодий самарадорлигини куҷатиришга эришиш зарур.

Реклама савдодаги технология жараёнларининг таркибий қисмидир. Модомики, товар сотиши чакана савдодаги асосий технология жараёни экан, реклама ҳам харидор билан учрашган пайтдан, унинг талаб ва эҳтиёжи аниқланган пайтдан, товарни оқилона кўз-кўз қилишдан бошланади. Товарнинг хусусиятлари, сифати тўғрисида, уни ишлатиш, истеъмол қилиш усуллари тўғрисида ўз вақтида маслаҳат бериш, дўконлардаги технология жараёнларини ташкил этишда муҳим ўрин тутади. Сўнгра, бирор товарга қўшиб олинадиган товарларни тавсия этиш ҳам рекламанинг дикқат марказида бўлиши керак.

Савдодаги реклама воситалари. Чакана савдодаги рекламалар кўлланиш жойига, вазифасига техникавий воситаларни кўллаш ва улардан фойдаланиш услубларига қараб бир-биридан фарқ қиласи.

Кўлланиш жойига кўра рекламалар дўконга кирувчи харидорларга мўлжалланган дўкон ичидаги ва бутун аҳолига қаратилган дўкон ташқарисидаги турларга бўлинади.

Вазифасига кўра реклама воситалари аҳолининг муайян категориялари ва гурӯҳларига (мактаб ўқувчилари ва уларнинг отоналарига, пахтакорларга, парҳез таомга муҳтоҷ бўлган кишиларга ва шу кабиларга) мўлжалланган бўлади.

Техникавий воситаларни кўллаш ва улардан фойдаланиш услубларига кўра, реклама қўйидаги турларга бўлинади:

- a. витрина-кўргазма реклами (деразага ва дўкон ичкарисига ўрнатилган витриналар, дўконлардаги ва бошқа жамоат жойларидағи товар кўргазмалари);
- b. тасвирий, фотографик ёритилган реклами (дўконларнинг тамгалари, реклама ёзувлари, плакатлар, прейскруантлар, кўрсаткичлар, транспарантлар, эълонлар);
- c. босма реклама (варажалар, каталоглар, проспектлар, газетта ва журналлардаги эълонлар);
- d. намойиш реклами (маҳсулотларни татиб кўриш, кийим-кечакнинг янги моделларини намойиш қилиш ва шу кабилар);
- e. кино-телевизион ва диапозитив реклами;
- f. овозли реклама.

Савол:

Маркетинг аҳбороти қандай тушунча?

Жавоб:

Умуман аҳборот тушунчаси маълумотлар йигиндиси бўлиб, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш обьекти сифатида хизмат қиласи. Маркетинг аҳбороти асосини эса истеъмолчилар талаби тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади. Улар харидорлар талаби ҳажми, таркиби, ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини, талабнинг ўзгариш сабаблари, ҳамма товар ассортиментлари ҳамда регионлар бўйича шаклланиш хусусиятларини тасвиirlайди. Маркетинг аҳборотлари бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи маълумотлар аниқ масалани ечиш мақсадида янгидан тўпланди. Иккиламчи аҳборотлар эса мазкур муаммонинг ечимиға тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ва оддиндан йигилган маълумотлардир. Аммо маркетинг аҳборот тизимида бирор аниқ бозорга кириш муаммоси белгиланмагунча икки-

ламчи ахборотлар ўрганилмайди. Шу билан бирга иккиламчи ахборотлар тўла ўрганилмагунча бирламчи ахборотлар тўпламайди. Ундан ташқари, бирламчи ахборотлар йиғиш фақат иккиламчи маълумотлар этишмай қолганлиги учун зарур бўлади. Нима учун ахборотлар тўплаш керак? Чунки корхона (фирма) фақат ахборотлар тўплаш орқали бозорда:

- аниқ устуворликка эришади;
- молиявий хавфиззликни таъминлайди ва мавқеи тушиб кетишининг олдини олади;
- истеъмолчилар муносабатини аниқлайди;
- ташқи мұхитни назорат қиласди;
- стратегияни бошқаради;
- фаолиятини баҳолайди;
- рекламасига ишончни оширади;
- қарорларини асослайди;
- келажагига ишонч ҳосил қиласди;
- самарадорлигини яхшилади.

Аммо маркетинг ахборотлари ишончли, тўла, узлуксиз, тақосланувчан ва ўз вақтида йиғилган бўлиши шарт. Маркетинг ахборот тизимида энг аввало иккиламчи маълумотлар йиғиш ва баҳолашдан бошланади.

Улар ички ва ташқи ахборотларга бўлинади:

Иккиламчи ахборотлар манбалари

Ички маълумотлар	Ташқи маълумотлар
Фирма (корхона) режалари ва унинг бажарилиши Сотиш тўғрисидаги маълумотлар	Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборотлари Нашр қилинаётган журнал, газета ва ҳоказолар
Фойда ва заарлар Харидорлар билан ҳисоблар Товар заҳиралари Олдинги тафтиш натижалари Истеъмолчилар арзлари, норозиклари Натижаларни солиштириш учун стандартлар (меъерлар) ва бошқалар.	Китоблар, статистик маълумотлар

Бирламчи ахборотлар тўплаш учун алоҳида тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун нимани ёки кимни ўрганиш аниқланади. Кўпинча тадқиқот обьекти қўлиб истеъмолчилар олинади: ҳозирги, олдинги, бўлажак, оз ёки кўп товар асосида, фирма ходимлари, улгуржи ва чакана савдо хизматчилари.

Кандай ахборот тўплаш керак? Унинг хили ва ҳажми аниқланади. Маълумотларни ким тўплайди? Корхона ўз кучи билан ёки маҳсус тадқиқотчи гуруҳлар ва муассасалар орқали йиғилади. Ахборот йиғишнинг қайси услубидан фойдаланилади? Амалиётда маълумотлар йиғишнинг тўрт хил усули ишлатилади: сўров, кузатиш, эксперимент ва ўхшатиш (имитация).


Сўров жараёнида шахсий учрашув, телефон ёки алоқа хизмати орқали истеъмолчилар талаби ўрганилади. Жавобларни тўғрирок олиш учун анкета (саволлар баёни) тузилади. Масалан, жаҳон тажрибасида бозорни ўрганиш учун анкета сўровлари 240 дан кўпроқ саволларга жавоб олишни тавсия этади.

Кузатиш аналитик усул бўлиб, истеъмолчилар хатти-ҳарақатлари аниқ ҳолатларда ўрганилади. У очиқ ҳолатда ёки хуфёна (телекамералар орқали) дўконларнинг савдо майдонларида ўтказилади. Эксперимент (тажриба ўтказиш) усули билан назорат қилинаётган мұхитларда бирор маркетинг элементи ташқарилади, қолганлари эски ҳолида қўйилади. Имитация – ЭҲМ, ишлатишга асосланган усул бўлиб, ҳар хил омилларнинг корхона (фирма) маркетинг стратегиясига таъсири аниқланади.

Савол: Маркетинг тадқиқоти деганда нимани тушунасиз?

Жавоб:

Замонавий маркетинг фаолиятини шакллантириш ва унинг стратегия ҳамда тактикасини белгилашнинг асоси маркетинг тадқиқотлари ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади ва мазмuni доимо системали равишда ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва натижаларидан корхона фаолиятини бозор талабларига мослаштиришдан иборатdir.



Маркетинг тадқиқотлари мақсади, предмети ва услублари юқоридаги расмда аниқ ифодасини топган.

Хозирги замон бозорида мұваффақиятта эришиш, илмий техника тараққиети натижасыда фирманиң ишлаб чиқариш, молиявий ва технологик салоҳияти билан әмас, балки маркетинг тадқиқотлари ўтказищдаги фаоллик, ташаббускорлик ва тажрибаси билан аникланади деган фикр-мулоҳазалар ҳукм сурмаркетинг тадқиқотлари замонавий бизнеснинг катта мустакил соҳасига айланып кетди. Мәлумотларга күра 50 фойздан күп Америкалик, 86 фойз Европалик ва 60 фойз Япония бизнесменлари, фирма ва компаниялари маркетинг тадқиқотларини ўз кучлари билан олиб борадилар. Қолғанлари эса маҳсус тадқиқот мұассасаларига мурожаат қилишади. Хозир маркетинг тадқиқотлари билан жуда күп илмий-текшириш бюrolари,

фирмалари, агентликлари, университетлари, давлат мұассасалари шуғуланишмоқда. Масалан, Германияда 120 дан күпроқ 3 минг кишилик илмий ходимлари бўлган ташкилотлар маркетинг тадқиқоти олиб бормоқда. Францияда бундай мұассасалар 100, Англияда 200, АҚШ да 800 дан күпроқ бўлиб, бир йилда 1 миллиард доллар атрофида маблағ айлантиради.

Маркетинг тадқиқотларига шундай қизиқишнинг асл маъноси – бозорда рақобат шаклининг ўзгариб бориши ва аҳоли талабига илмий-техника ютуқларининг катта таъсир ўтказишидир. «Баҳолар уруши» деб аталган 30–60-йиллардаги рақобат услублари ўрнини маҳсулотнинг тайёрланиш сифати, ассортиментининг тез ўзгариши, сотишдан кейинги сервис ва техника хизмат кўрсатишлар эгалламоқда.

Хозир рақобатда ютиб чиқишининг асосий шарти янги, юқори сифатга эга бўлган товар ва комплекс сервис, техника хизматларини ҳамда самарали сотиш усулларини қўллашдан иборат бўлиб қолди. Ана шу талаблар асосида маркетинг тадқиқотларининг устувор тури – истеъмолчиларни ўрганиш, ўз навбатида бозорни сегментлаш (табақалаш) дан бошланади. Чунки бозор бир хил субъектлар – қатнашчилардан ташкил топган әмас.

Савол:

Эҳтиёж нимани билдиради?

Жавоб:

Эҳтиёж деганда Аллоҳнинг моддий ва маънавий неъматларини инсон ва унинг гуруҳлари томонидан истеъмол қилишга бўлган муносабатлари тушунилади. Инсон эҳтиёжи чексиз, аммо моддий неъматлар чегараланган. Инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжи бор.

Маънавий эҳтиёжи – инсонларнинг Аллоҳнинг қаломи – Куръони Карим, хадислар, тасаввуф, ботиний ва зоҳирий илмларни ўрганишга бўлган мухтожлигидир.

Инсоннинг турмуш кечириш, уй-рўзгор ва фаровон ҳаёти учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматлар унинг моддий эҳтиёжини билдиради.

Савол:

Талаб нимани билдиради?

Жавоб:

Бозорнинг биринчи таркибий қисми бўлиб истеъмолчилар эҳтиёжининг пул билан таъминланган қисмими ифодалайди ҳамда уларнинг товар ва хизматларни харид қилиш имкониятини билдиради. У икки хил-аҳоли талаби ва корхона (фирма), ноишлабчиқариш муассасалар талабига бўлинади.

Талаб жуда чуқур мазмунли иқтисодий категория бўлиб, унинг ҳажми худуд ёки мамлакат аҳолисининг туриши даражаси кўрсаткичидир.

Аҳоли талабининг умумий ҳажми унинг товар харид қилишга мўлжалланган пул маблағлари ёки харид сармояси билан аниқланади.

Талаб уч хил кўринищда: қондирилган, қондирилмаган ва янги шаклланаётган бўлади.

Қондирилган талаб ҳажми туман, шахар, вилоят ва мамлакат миёссида сотилган товарлар суммаси билан ифодаланади. Бу кўрсаткич корхона ва фирмаларнинг ҳар чоракда ва йил охирида статистика бўлимларига топширадиган ҳисобларидан тўпланида ва таҳлил қилинади.

Бу талаб таркиби ҳам иккига бўлинади: аҳоли талаби ва ишталаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва муассасалар талаби, аҳоли истеъмолчилар талаби эса биржалар ва улгурти савдо базалари орқали сотилган товарлар ҳажми билан аниқланади. Чакана тоғнинг асосий кўрсаткичидир.

Кондирилмаган талаб харидор сўрагандча савдо шоҳобчаларидан йўқ бўлган товар.

Янги шаклланаётган талаб – рекламалар орқали ёки кўргазмаларда ва дўйонларга янги сотишга чиқарилган товарларни кўриш билан вужудга келади.

1. Иқтисодий омиллар – аҳолининг пул даромадлари ва уларнинг таркиби, уларнинг бўлган таркиби, жинси, ёшию оила сони ва ўртача ҳажми билан ўзгариши ва ҳ.к.

Иқтисодий омиллар – аҳолининг пул даромадлари ва уларнинг таркиби, уларнинг бўлган таркиби, жинси, ёшию оила сони ва ўртача ҳажми билан ўзгариши ва ҳ.к.

Демографик омиллар – аҳоли сони, унинг таркиби, жинси, ёшию оила сони ва ўртача ҳажми билан ўзгариши ва ҳ.к.

Табиий иқлим шароитлари – йил давомида фаслларнинг узун-қисқалиги, ҳудуднинг рельефи ва бошқалар.

Талабга қуйидаги ўсиб бориш қонуниятлари хос:

- аҳоли сони ва унинг даромадлари ошиб бориши билан талабнинг умумий ҳажми доимо кўпаяди;
- талабнинг умумий таркибида нисбатан озиқ-овқат товарларининг салмоғи камайиб, ноозиқ-овқат товарлари улувши кўпайиб боради;
- талаб таркибида сифат ўзгаришлари давом этади;
- озиқ-овқат товарларига бўлган талаб таркибида, юқори калфияли (гўшт, сут, тухум, балиқ) маҳсулотларга ва сабзавот, мева кабиларда талаб тезроқ ўсади. Ноозиқ-овқат товарлари ичидаги мебель, гилам, телевизор, видео, автомобиль, кир ювиш машиналари, совуткичлар, қимматли тошлар, тилла буюмлар, спорт ва туризм товарларига бўлган талаб кўпроқ ошади;
- жамиятнинг алоҳида ижтимоий груҳлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси талаблари ўзаро яқинлашиб боради;
- жаҳон миёссида мамлакатлараро, қитъалараро аҳоли талаби яқинлашади;
- товарларнинг сифатига, мўл-кўлчилигига, маданий эҳтиёжни қондириш ва сотишдан кейинги комфорт шароит яратилишга – сервисга талаб олиб боради.

2. Ижтимоий омиллар – аҳолининг ижтимоий ва малакалари бўйича таркиби, уларнинг бўлган таркиби, жинси, ёшию оила сони ва ўртача ҳажми билан ўзгариши ва ҳ.к.

3. Демографик омиллар – аҳоли сони, унинг таркиби, жинси, ёшию оила сони ва ўртача ҳажми билан ўзгариши ва ҳ.к.

4. Табиий иқлим шароитлари – йил давомида фаслларнинг узун-қисқалиги, ҳудуднинг рельефи ва бошқалар.

Талабга қуйидаги ўсиб бориш қонуниятлари хос:

- аҳоли сони ва унинг даромадлари ошиб бориши билан талабнинг умумий ҳажми доимо кўпаяди;

- талабнинг умумий таркибида нисбатан озиқ-овқат товарларининг салмоғи камайиб, ноозиқ-овқат товарлари улувши кўпайиб боради;

- талаб таркибида сифат ўзгаришлари давом этади;

- озиқ-овқат товарларига бўлган талаб таркибида, юқори калфияли (гўшт, сут, тухум, балиқ) маҳсулотларга ва сабзавот, мева кабиларда талаб тезроқ ўсади. Ноозиқ-овқат товарлари ичидаги мебель, гилам, телевизор, видео, автомобиль, кир ювиш машиналари, совуткичлар, қимматли тошлар, тилла буюмлар, спорт ва туризм товарларига бўлган талаб кўпроқ ошади;

- жамиятнинг алоҳида ижтимоий груҳлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси талаблари ўзаро яқинлашиб боради;

- жаҳон миёссида мамлакатлараро, қитъалараро аҳоли талаби яқинлашади;

- товарларнинг сифатига, мўл-кўлчилигига, маданий эҳтиёжни қондириш ва сотишдан кейинги комфорт шароит яратилишга – сервисга талаб олиб боради.

Савол:

Таклиф тушунчаси нима?

Жавоб:

Таклиф – маълум давр ичидаги бозорга олиб чиқилган ва чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ҳажмини билдиради. Унинг кўриниши чакана савдо шоҳобчалари – дўйонлар, деҳқон бозорлари, дорихона, улгуржи савдо базалари ва бошқа омборхоналарда сотишга қўйилган ёки заҳирада турган товарлардир.

Таклифнинг ҳажми ва унинг таркиби ўша худуд, туман, шаҳар, вилоят ва мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини билдиради. Мамлакат ёки регион ўз аҳолисига қанча

күп импорт товарларни таклиф қилған бўлса, унда саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланмаганлигини кўрсатади.

Савол:

Баҳо нимани ифодалайди?

Жавоб:

Баҳо-товар ва хизматлар қийматининг пулдаги (валютадаги) ифодасидир. Баҳо кўп турларга бўлинади:

Ишлаб чиқариш баҳоси, тайёрлов баҳоси, улгуржи Баҳо, чақана баҳо, ўзгармас баҳо, ўзгарувчан баҳо, дискриминация баҳо, қайишқоқ баҳо, бутун рақамсиз баҳо ва бошқалар.

Баҳога таъсир этувчи омиллар: талаб, таклиф, хукумат, товар ҳаракати қатнашчилари, рақиблар, ҳаражатлар, пул муомаласи аҳволи, пулнинг харид қобилияти, ўртча фойда нормаси ва ҳ.к.

Баҳор бозорда асосий рақобат воситаси ҳисобланади.

Баҳо талабга тўғри ва таклифга тескари мутоносиблиқда бўлади. Бозорда талаб юқори бўлиб, баҳонинг ошиб кетиши ҳам ўша худуд ёки мамлакат бозорининг тақчиллигидан, инфляциянинг юқорилигандан ва бозорнинг туйинмаганлигидан ҳабар беради. Бундай бозорда монопол фоалиятли корхоналар қўчаяди, кичик ва ўрта корхоналар эса рақобатга чидай олмай иқтисодий инқиrozга учрайди. Агарда бозорда товар ва хизматлар таклифи кўп бўлса, баҳо пасаяди. Бозорда 4 та паст Баҳони хукум суркиши ҳам яхши иқтисодий натижага олиб келмайди. Чунки, бундай бозорларда кам ҳаражатлар билан ишловчи кичик фирмалар фоалият кўрсатиш мумкин, ўрта ва катта корхоналар эса иқтисодий ночор аҳволга тушади. Бу ҳолатда ҳам бозорга янги товарлар кириши ва уларни яратиш учун илмий-техникавий ҳаражатлар қилувчи ўрта ва катта корхоналар имконияти чегараланади. Шунинг учун бозорда доимо талаб ва таклиф мувозанатига эришиш учун маркетинг воситачилигидан фойдаланилади.


Савол:

Бозор мувозанатини қандай тушунасиз?

Жавоб:

Бозор мувозанати тушунчаси – талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркибан бир-бирига мувофиқ келиши, нарх эса товарлар қийматига (оддий товар ишлаб чиқаришда) ёки ишлаб чиқариш баҳосига (эркин рақобат шароитида) тенг ҳолатини билдиради.

Бозор мувозанатини қўйидаги чизмада янги бозор механизмини таркибининг оддий ўзаро ҳаракатлари орқали ифодалаш мумкин.




Талаб ва таклиф ҳажми – истеъмолчилар сотиб олишга, ишлаб чиқарувчилар бозордаги нархда сотишига тайер бўлган товарлар ва хизматлар миқдоридан иборат.

Демак, талаб ва таклиф истеъмол билан ишлаб чиқаришнинг бозордаги ифодасидир. Чизмада кўрсатилганидек, улар бир-бири билан тўғридан-тўғри ва тескари диалетик боғлиқликда бўлади. Нархнинг ўсиши (пасайиши) талабнинг пасайишига ёки аксинча рағбатлантиришга (В) олиб келади. Ўз томонидан талабнинг ўсиши нархнинг пасайишига эмас, балки унинг ошишига олиб келади (А). Нарх даражасининг таклиф ҳажмига тескари боғлиқлиги (С) чизиги билан кўрсатилган. Шу вақтнинг ўзида, нархнинг кўтарилиши (пасайиши) таклиф ҳажмининг ўзгаришига олиб келади (Д). Чизмадан кўриниб турибиди, талабнинг ўзгариши таклифни ҳаракатга солади, ана шу йўналишда тескариси ҳам юз беради (AD ва CB).

Юқоридаги тасвирда талаб, нарх ва таклифларнинг бозордаги алоқалари ички қарама-қаршиликка эга эканлиги, аммо улар доимо мувозанатга интилиши кўриниб турибди. Бозор мувозанати моҳиятини талаб ва таклиф эгри чизиқлари орқали ҳам ифодалаш мумкин.

Чизмадан кўринишича нархнинг ўсиши билан (P_1 дан P_2 гача) талаб камая боради (q_1 дан q_2 гача). Баҳонинг юқорироқ кўтарилиши билан истеъмолчи фирмалар ичидан маблағи камлари чиқиб кетаверади. Молиявий аҳволи яхшироқлари эса товар (хом ашё) сотиб олишни камайтиради, маълум миқдорда арzonлашганларини излай бошлайди. Нархнинг пасайиши (P_1 дан P_2 гача) билан, унга мувофиқ равишда талаб ошади (q_1 дан q_2 гача). Таклиф эгри чизиги SS , унинг тўғридан-тўғри нархга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Графикда кўрсатилишича, нархнинг ошиши (P_1 дан P_2 гача) (q_1 дан q_2 гача) янги қувватлар ишга тушириш, корхоналар очиш, уларнинг бозорга сотувчи сифатида чиқиши ва заҳирадарни чиқариш орқали таклифнинг



күпайишига олиб келади. Нархнинг пасайишида эса шу ҳолатни тескариси рўй беради. Шуни эсда тутиш лозимки, dd ва SS эгри чизиклари йигиндиси ҳақиқий талаб, таклиф ва нархларни билдирамайди, фақат уларнинг аниқ имкониятлари ҳажмин кўрсатади. Уларнинг ҳақиқий қийматлари эгри чизиклар кеси шаётган E нуқтасига интилади, ана шунда талаб ва таклиф би ҳил (q) микдордаги товар бирлигига тенг бўлади ва мувозанати эришади. Ҳақиқатда, нархнинг P_1 даражасида таклиф q_2 тала ҳарид қилинмайди, товар етказиб берувчилар орасидаги рақоба кураши механизми орқали нархнинг пасайишига олиб келад. Амалиётда у мувозанат нуқтасидан пастга тушса керак (мисол P_2 гача). Натижада талаб q_4 таклиф q_3 дан ошиб кетади, бозордаги товар этишмовчилиги келиб чиқади. Унинг сабаби эркин рақобатдаги нарх ўсиши бўлади.

Нарх, таклиф ва талаб орасидаги Қарама-қаршиликла ўтига мос келади. Чунки мувозанатлашган рақобатли P на

Аммо, (ҳақиқатда) E нуқта доимий ҳаракатда, талаб ва тақлиф эгри чизикларининг координат ўқи атрофидаги текисликни силжишлари билан бирга бўлади. Бунинг иқтисодий маънос

шундаки, «ҳар-хил тенг шароитлар» деб аталган қоида ҳақиқатда талаб ва тақлифга кўп омиллар таъсири натижасида ўзгариб туради.

Савол:

Бозор конъюнктураси нима дегани?

Жавоб:

Бозор конъюнктураси – муайян даврдаги худуд, туман, шахар, вилоят, мамлакат ва жаҳон бозорлари ҳолати – талаб ва тақлифнинг мувозанатини ижобий ёки салбий бўлишини ифодаловчи тушунча. Бозор конъюнктурасини ўрганиш учун ишлаб чиқариш, талаб ва тақлиф ҳажми, товарлар ва улар таркиби, сотици ҳажми, нархлар ҳолати ва қисқа муддатли бозор истиқболи аниқланади. Бозор конъюнктурасига таъсир этувчи омиллар: нарх-наво, мода ўзгариши, товарлар тақлифи:

- ишлаб чиқаришнинг ўсиши;
- ишлаб чиқаришга сарфланган кўшимча ресурслар;
- товар заҳиралари ва уларнинг динамикаси;
- экспорт ва импорт ҳажми;
- талабнинг инвестиция, аҳолининг пул даромадлари, корхона, фирма, ташкилотлар даромадлари, аҳолининг тобаълар билан таъминланганлик даражасини ўзгариши билан ўсиши ва бошқалар таҳлил қилинади.

Шу билан бирга бозор конъюнктураси истиқболи махаллий, регионал, мамлакат ва жаҳон бозорлари миёсизда ҳамда айrim маҳсус товарлар бўйича аниқланади. Бозор конъюнктурасини олдиндан кўра билиш ҳар қандай мамлакат ва вилоят иқтисодиёти қелажагини тўғри йўналтиришга имконият яратади. Шуцинг учун вилоятлар ва мамлакат миёсизда бозор конъюнктурасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва истиқболини аниқлаш бўйича маҳсус маркетинг хизматлари ташкил этилиши лозим.

Савол:

Бозор сегментацияси нимани билдиради?

Жавоб:

Бозор сегментацияси деганда маълум белги-аломатлар ва савдо-сотикнинг шарт-шароитига караб бозорни ҳар ҳил бўғин (қисм) ларга ажратиш, табакалаш тушунилади. Сегмент – бу бозорнинг кичик бир қисми. У ерда ҳаридорларнинг гуруҳи чекланган бўлади. Уларга маълум турдаги товарлар сотиласди.

Бозорнинг сегментларга ажралишига икки хил сабаб бор:

- меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, фоят хилма-хил товарлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг маълум бир гурӯҳ истеъмолчиларга мўлжалланиши;
- истеъмолчиларнинг ижтимоий-иктисодий жихатдан таъбакаланиши, улар талабининг фарқланиши.

Бозорни сегментларга ажратиш белгилари фоят кўп. Масалан, бир сегмент учун аҳолининг харид қобилияти устувор бўлса, бошқа сегмент учун рақобатнинг бор ёки йўқлиги муҳим белги бўлади. Сегментлар худудий ва ижтимоий-демографик белгиларига қараб ажратилади.

Худудий сегмент қўйидаги мезонларга эга:

- аҳолининг сони ва зичлиги;
- транспорт ва алоқа шохобчаларининг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси;
- табиий иқлим шароити;
- тижорат ишининг асосий йўналиши ва унинг қайси тоифа кишиларга хизмат қилиши;
- иктиносидиётнинг умумий аҳволи;
- инфляция даражаси;
- бозор инфраструктурасининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ижтимоий – демографик сегмент қўйидаги белгиларга эга:

- истеъмолчи – харидорларнинг ёши, жинси;
- истеъмолчи – харидорлар таркибидаги ишловчилар, ўқувчилар ва пенсионерларнинг салмоғи;
- истеъмолчи – харидорларнинг билим даражаси, савияси;
- аҳоли пул даромадининг даражаси;
- оила ва унинг таркиби;
- аҳолининг касби-кори, ирқи ва миллати;
- аҳоли таркиби кабилар.

Бозор сегментлари аҳолининг урф-одати, расм-руsumи, турмуш тарзи ва қайси бир товарни афзал кўришига қараб ҳам ажралади. Сегментларга ажралиш муайян товарларга нисбатан ҳам юзага келади, масалан кийим-кечак бозорида болалар кийими, эркалар кийими, аёллар кийими, ёшлар кийими, қариялар кийими бозорларига ажралади.

Бозор сегментацияси уни ўрганиш ва таҳлил қилиш усулларидан бири ҳисобланади.

Савол:

«Талаб ва таклиф» қонуни моҳияти нимада?

Жавоб:

Бу қонун талаб ва таклифнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини, хатти – ҳаракатини ва объектив равишда мувозанатга интилишини англатади. Маркетинг «талаб ва таклиф» қонунинг амалиятдаги воситачиси сифатида ишлатилади. Ўз вақтида талаб ва таклиф ўзаро бирлиги ва алоқадорлиги ҳақида талаб таклифни аниқлайди ва аксинча таклиф талабни туғдиради деб, изоҳ берилган эди. Шунинг учун улар алоҳида иктиносидий категорияни – талаб ва таклиф муносабатларини ифодалайди. Ана шулар орқали эса ишлаб чиқариш билан истеъмол орасидаги ўзаро муносабатлар намоён бўлади. Демак, бозорда талаб ва таклиф орқали ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи юзма-юз учрашади. Талаб ва таклиф муносабатларининг ижтимоий аҳамиятига иктиносидилар улар жамиятни ҳаракатлантирувчи кучлар деб таъриф беришганди.

Шу туфайли ҳам бозор муносабатларининг негизи бўлган талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлашда маркетингнинг аҳамияти бекиёсdir. Ундан ташқари, талаб ва таклиф муносабатлари жуда катта иктиносидий аҳамиятга эга. Улар мувозанатининг бозорда таъминланиши – давлат ёки регион миқёсида меҳнатнинг қанчалик ижтимоий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига тўғри – мутаносиб равищда тақсимланганлигининг тош-тарозиси ҳисобланади. Халқ хўжалиғи тармоқлари ёки соҳалари орасидаги мутаносибликтининг озгина бузилиши, талаб ва таклифга қаттиқ таъсир кўрсатади ва ўз навбатида, бозор мувозанатининг бузилишига олиб келади. Шу даврда, маркетинг ёрдамида талаб ва таклиф орасидаги, яъни бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар таҳлил қилиниб, уларнинг яна мувозанатга эргашиш тадбирлари ишлаб чиқлади ва амалга оширилади.

II. БҮЛІМ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ

Савол:

Тадбиркор (бизнесмен) қандай хусусиятларга эга бўлади?

Жавоб:

Классик иқтисодий назариётчилар жамият бойликлари капитал ва меҳнат ичидан энг муҳим тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берганлар. Чунки тадбиркорлик ва маркетинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳамда уйғуналашган тушунчалардир.

Тадбиркорлик (бизнес) – иқтисодий фаолият бўлиб, маълум бир ишни ёки хунарни фойда олиш мақсадида ташкил қила билиш ва уддалай олиш демакдир.

Тадбиркорлик инсоннинг қонида бўлиши керак. Шу билан бирга тадбиркор (халқаро маънода «Бизнесмен») қуидаги асосий хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. Тадбиркор иқтисодий ресурсларни – ер, капитал (сармоя) ва меҳнатни бир жойга, тўплаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини бошқариш қобилиятига эга бўлиши керак;
2. Тадбиркор бир ишни бошлашга ташаббус кўрсатиши, сўнг ишни тезлаштирувчи катализатор бўлиши билан бирга, ишлаб чиқаришни харакатга келтириши, бир-бирига боғлик бўлмаган кўпчилик ресурсларни боғловчи-кўприк бўлиши ва шу меҳнатдан фойда чиқишини таъминловчи бўлиши лозим.
3. Тадбиркор жуда кўп номаълум ҳолатларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш идрокига эга бўлиши ва ўз олдига аник мақсад қўйиб, унга етишиш учун курашда ташкилотчилик қобилиятини мукаммал эгаллаган бўлиши зарур.
4. Тадбиркор янгиликка интилувчан, тажриба асосида янги товарлар ишлаб чиқариш ёки янги хизмат турини яратиш йўлларини биладиган, ҳар қандай воқеа-ҳодисани иқтисодий тафаккур орқали таҳил қилиб, фойда-зарарни фарқлай оладиган бўлиши шарт.
5. Тадбиркор хавф-хатарга, таваккалчиликка мойил одам бўлади. У нимаики иш қилмасин, фойда олиш учун қиласи,

аммо фойда олишим 100 фоиз аниқ деб хеч қачон айттолмайди. Унинг хавф-хатарга тўла меҳнати ўта юқори фойда ўрнига, зарар келтириши ҳам мумкин.

Қисқача айтганда, тадбиркор инсон деб ўз вақтини, меҳнатини, обрў-эътиборини, ўз қапиталини ёки шерикларининг пулини гаровга қўйиб таваккалчилик билан иш кўрадиган одамга айтилади.

Савол:

Кичик корхонанинг қандай белгилари бор?

Жавоб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрга бизнесни янада ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 9 апрель 1998 йилдаги фармонига мувофиқ мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасидаги йилига ўрга ҳисобда 10 нафаргача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқаришдан бошқа соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар.

Мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасидаги йилига ўрга ҳисобда 40 нафаргача, курилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар.

Мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилига белгиланғанидан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, курилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдола 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрга корхоналар.

Кичик ва ўрга корхоналар одатда хомашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиласидиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, ҳалқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади. Кичик ва ўрга бизнес корхоналари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинади.

Савол:

Бизнес режа нима ?

Жавоб:

Бизнес режа асосий ҳужжат бўлиб, ким? нима? качон? ва қаерда? ҳамда қайси йўл билан аниқ вазифани бажариши шарт деган саволларга жавобларни ифодалайди. Тактик режалаштириш яқин муддатга ассортимент, савдо, баҳо, реклама, молия, кадрлар ва бошқалар бўйича корхона сиёсатини белгилайди:

- маҳсулот ассортиментини режалаштириш – бўлажак истеъмолчилар гуруҳини ва улар талабини аниқлаш, маҳсулотни техник кўрсаткичларини ва истеъмол қийматини стандартларга мувофиқлаштириш, унинг рақобатбардошлигини баҳолаш, упаковкани (ўрам) ривожлантириш, товар турларини янгилаш ва бошқаларни ўз ичига олади;
 - товар ҳаракати йўналишларини ва сотишни режалаштириш – товарлар оқими йўлларини, қанча заҳирага эҳтиёж борлигини, транспорт орқали ташиш, қайта упаковка (ўрам) қилиш, товар оборот ва сотишдан кейинги хизмат қилиш кабиларни аниқлашдан иборат;
 - рекламани сотишни рағбатлантиришни режалаштириш – реклама воситаларини танлаш, сотовчиларни ва харидорларни рағбатлантириш усусларини аниқлаш, рақибларга таъсир кўрсатиш йўлларини баҳолаш демакдир;
 - молиявий кўрсаткичларни режалаштириш – шу жумладан;
 - маркетинг харажатларини аниқлаш, баҳони белгилаш (талаб харажатлар, рақобатчилар, маркетинг тадбирларидан олинадиган даромадга асосланиб) ни ташкил этади;
 - кадрлар билан таъминлашнинг режаси – раҳбарият ва мутахассисларни жой-жойига қўйиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, маслаҳатчиларни ёллаш, бошқа корхоналар тажрибасини ўрганишини ўз ичига олади.
- Бизнес режанинг бажарилиши истеъмолчиларнинг товарларга бўлган муносабати ва бошқалар таҳлил қилинади. Корхонанинг фойда ва зарарлари баланси орқали ва фойданинг асосий ва айланма капиталга ҳамда ҳаражатларга солиштириш йўли билан унинг рентабеллигини назорат қилинади.
- Демак, бизнес режа тадбиркорлар учун йўлчи юлдуз ҳисобланади.

Савол:

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги етакчи ўрнини қандай аниқланади?

Жавоб:

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги етакчи ўрни деганда, унинг республика ва маҳаллий товар бозорларида маҳсулотнинг ва мазкур турнинг сотиш ҳажмидаги иштирокининг кўрсаткичи, шунингдек, шунга ўхшаш, бир-бирини ўрнини босувчи маҳсулотнинг уларни қелтириш ҳамда олиб чиқиши ҳисобга олган ҳолдаги кўрсаткичдир. Бозордаги ҳиссаси ҳўжалик юритувчи субъект томонидан маҳсулотни мазкур турини сотиш ёхуд етказиш ҳажмининг республика ва маҳаллий товар бозорларининг ҳажмига нисбати орқали аниқланади.

Товар бозорининг ҳажми – мазкур турдаги маҳсулотнинг сотиш ҳажмининг ёхуд етказиш ҳажмининг натурал ва қиймат кўринишидаги кўрсаткичдир.

Етакчи ўрнини аниқлашнинг зарурлиги қўйидагилардан келиб чиқади:

- монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузилиши ҳақидаги масалалар кўрилганда;
 - иттифоқ, уюшма, ҳиссадорлик жамияти, концерн, соҳалараро худудий ва бошқа шакллардаги бирлашмани ташкил этиш, бирлаштириш, бир-бирига қўшиш ҳамда шаклини ўзгартириш, шунингдек уларни йўқ қилиш ҳақидаги масалалар кўрилганда;
 - ҳўжалик юритувчи субъектни уни мажбурий бўлиб юбориш мақсадида қайтадан ташкил қилиш ҳақидаги масаларни кўриб чиқилганда-товар бозорларини маҳсус тадқикотдан ўтказиш, уларни монополиядан чиқариш имконияти ҳамда рақобат муҳитини ташкил қилиш ва бошқалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида.
- Ҳўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги кучини баҳолаш учун қўйидаги омилларни таҳлил қилиш лозим:
- ҳозирги вақтдаги ҳўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги ҳиссаси;
 - рақиблар ва потенциал рақибларнинг мавжудлиги;
 - бозор ичига кириш учун тўсиқларнинг мавжудлиги ва уларнинг катталигини аниқлаш;

- етакчи ўринни эгаллаган хўжалик юритувчи субъект нинг рақобатга қарши ҳаракатига жавобан рақибларнинг шунга қарши ҳаракати эҳтимолининг таҳлили.
- Ички бозорнинг товар ресурслари ҳисоби қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$Y_{боз} * E_b + K_{ел} - O_ч$$

бунда,

E_b — бозор худудига маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар то монидан етказиш ҳажми;

$K_{ел}$ — бозор худудига товар келтиришнинг ҳажми, жумлада импорт, бевосита алоқалар бўйича, зоситачи ташкилотлар то монидан товар келтириш.

$O_ч$ — маҳаллий савдо-воситачилик ташкилотлари томонидан товарни ички бозордан ташқарига олиб чиқиши.

Савол:

Монополистик фаолият деганда нимани тушунасиз?

Жавоб:

Монополистик фаолият деганда монополияга қарши қонув хужжатларига зид бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давла бошқарув органларининг рақобатга йўл қўймаслик чеклаш ёки унинг йўқотишга мўлжаллаган, шунингдек исъемолчиларнинг манфаатларини чекловчи ҳаракатлари.

Савол:

Тадбиркорлар ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлар тўғрисидаги Қонуннинг (1999 йил 14 апрель) мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

Жавоб:

Юқоридаги қонуннинг мақсади тадбиркорлик фаолияти ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек тадбиркорларга кафолатлар беридан иборат. Унинг асосий вазифалари эса фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлари учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаолигига оширишдан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хукуқири ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Савол:

Тадбиркорлик фаолиятини қандай тушунасиз?

Жавоб:

Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) — қонун хужжатларига мувофиқ даромад олишга қаратилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсулот ишлаб чиқариш йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият.

Тадбиркор — юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, ташкил этмасдан ҳам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шуғулланувчи жисмоний шахс.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидири.

Савол:

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хукуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жавоб:

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қўйидагиларга хақли:

- ишлаб чиқариш дастурини мустақил равища шакллантириш, махсулот етказиб берувчиларнинг ва ўз махсулотининг истеъмолчиларини танлаш;
- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олиш ва уни ўз, ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар бозорида монопол мавқеини эгаллагаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;
- ўз махсулотини ишлаб чиқариш чиқинчиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб ёки шартнома асосида мустақил равища белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича сотиш;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг жадаллаштирилган амортизациясини қилинган харажатларни ишлаб чиқариш чиқимларига тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан икки баробардан ошиб кетмайдиган миқдорда киритган ҳолда қўллаш;
- бинолар, иншоотлар ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва ижарага олиш;
- хайрия фаолиятида иштирок этиш;
- белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига қўйидаги мажбуриятлар юкланган:

- ўзлари тузган ёки қонун ҳужжатлари шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш;
- ёлланган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;
- хавфизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилишлари;
- реализация қилинадиган маҳсулотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларига эга бўлишлари;
- манзили ва бошқа реквизитлари ўзгартган ҳолда тегишли давлат органларига ўз вақтида хабардор қилишлари;
- бухгалтерия ҳисобини ва бошқа ҳисобни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари.

Савол:

Якка тартиbdаги тадбиркорлик нима?

Жавоб:

Якка тартиbdаги тадбиркорлик шахсий тадбиркорлик ва биргаликдаги тадбиркорлик турларига бўлинади.

Шахсий тадбиркорлик якка тартиbdаги тадбиркорнинг ўзи тамонидан мулк ҳукуқида, шунингдек мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳукуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мulk негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик шаклларига қўйидагилар киради:

эр-хотиннинг умумий мол мулки негизида амалга ошириладиган оиласий тадбиркорлик, шу жумладан деҳқон ҳўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизида амалга ошириладиган деҳқон ҳўжалиги.

Оддий ширкат.

Савол:

Тадбиркорлик иши нима?

Жавоб:

Тадбиркорлик иши — мулкий ҳукуқларни ва тадбиркорни ўзига хос воситаларини шунингдек унга тегишли бўлган якка риши учун фойдаланадиган бошқа мутлақ ҳукуқларни ўз ичига оладиган мол-мulk мажмуидир.

Савол:

Тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантириш қандай амалга оширилади?

Жавоб:

- тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни, замонавий технологияларни ва ускуналарни жалб этиш учун, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш орқали;

• тадбиркорлик фаолияти субъектларининг экспорт-импорт операцияларида, ҳалқаро кўргазмаларда ва ярмаркаларда, ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда иштирок этишини кенгайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали;

• солиқлар, йигимлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар белгилаш орқали;

• тадбиркорлик фаолияти субъектларининг самарали фаолият юритиши учун уларни зарур ҳукуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш, технологик, илмий техникавий ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш орқали.

Савол:

Тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари қандай амалга оширилади?

Жавоб:

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш орқали қўйидагича амалга оширилади:

- тадбиркорликнинг ҳукуқий норматив асосини такомиллаштириш;

• ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш;

• тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари;

• ҳукуқий, ахборот, консалтинг, лизинг ва бошқа хизматларни ривожлантириш.

Савол:

Корхона (фирма)нинг банкрот бўлишига олиб келган ғайри-қонуний ҳатти-ҳаракатлар деганда нимани тушунасиз?

Жавоб:

Банкрот бўлишига олиб келган ғайрихуқуқий ҳатти-ҳаракатлар дейилганда хўжалик юритувчи субъектлари мансабдор шахсларининг ёки мулкдорнинг ёхуд кредиторларнинг қасдан, ўкувсизлик ёки бепарволик оқибатида содир этган, хўжалик юритиш субъекти ёхуд кредиторга зиён етказган ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ қоидабузарликлар тушунилади. Куйидагилар ғайрихуқуқий ҳаракатлариdir.

- Қарздор мол-мulkининг ҳаммасини, ёки муайян қисмини ёхуд унинг мажбуриятларини яширганлик.
- Қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳисоб-китобга доир хужжатни яширганлик, йўқ қилганлик, қалбакилаштирилганлик.
- Мол-мulkини (пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериб юборилганлик.
- бухгалтерия хужжатларига зарур қайдномаларни киритмаганлик.
- Қарздорнинг қарзга олинган ва ҳақи тўланмаган мол-мulkининг ҳаммаси ёки бир қисмини сотганлик.
- Кредиторларга зиён етказиш мақсадида бошқа ҳар қандай усул билан хўжалик юритиш субъектини атайин банкротликка учратиш.
- Солиқлар ва қарзларни тўлашдан қочиб кутилиш мақсадида қарздорнинг айнан ўзини-ўзи тутгатганлиги.

Савол:

Корхонанинг тутгатишга доир иш юритишдан кўзланган мақсад нима?

Жавоб:

Тутгатишга доир иш юритиш – кредиторларнинг талабларини кутилган деб эълон қилиш, томонларнинг ўзаро ғайрихуқуқий мутаносиб равища қондириш ва ночор қарздорни қарзлардан ҳаракатларидан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

Ишончли вакил, кредиторларнинг йиғилиши, ночор қарздор қатнашчилари ҳисобланадилар.

Савол:

Банкрот бўлганнинг мол-мulkини сотиш қандай амалга оширилади?

Жавоб:

Банкрот бўлганнинг мол-мulkи ошкора савдо ташкил қилиш йўли билан сотилади. Тугатиш комиссияси савдони ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида матбуотда камида 10 кун олдин эълон беради. Қарздорнинг мулки босқичма-босқич сотилиши мумкин, лекин доимо тугатиш пайтидаги бозор баҳосидан паст бўлмаслиги шарт.

Саводада тушган пул банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тутгатиш режасига муофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

Савол:

Санациялаш нима?

Жавоб:

Зарар кўриб ишлайдиган, тўлов қобилияти бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш дейилганда мулкдор, кредитор ёки бошқа шахслар, шу жумладан давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан хўжалик субъекти фаолиятини молиявий соғломлаштирилиши тушунилади.

Савол:

Санациялашнинг мақсади ва вазифаси нимадан иборат?

Жавоб:

Хўжалик субъектининг тўлов қобилиятини товарлар (иш, хизмат) га ҳақ тўлаш бўйича кредиторлар талаблари, шу жумлашдан бюджетдан ташқари тўловларни таъминлаш қобилиятини қондириш, корхоналарнинг самарали фаолиятини давом этириши учун молиявий шароитлар яратиш санациялашнинг мақсади ҳисобланади.

Санациялашнинг вазифаси корхонанинг барқарор молиявий таъминланиши, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш, сотишни башқариш, ташкил этиш, унинг техника ва технологиясида зарур қайта ўзгаришларни оқилона ва самарали амалга оширишини таъминлашdir.

Савол:

Санациялаш жараёни қанча вақт ҳисобланади?

Жавоб:

Корхонанинг санациялашнинг давомийлиги 18 ойдан ошмаслиги лозим. Ҳўжалик судининг қарорига мувофиқ нодавлат корхоналари учун санациялаш даври яна 6 дўйгача узайтирилиши мумкин. Санациялаш бошлангандан 12 ой ўтгач, кредиторларни талаблари умумий суммасидан камида 20% қондирилиши лозим.

Савол:

Санациялаш субъектлари ва объектлари бўлиб кимлар ҳисобланади?

Жавоб:

Зарар кўриб ишлайдиган иқтисодий ночор корхоналарнинг мулкдорлари, кредиторлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар санациялаш субъектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар қўмитаси шахсида санациялаш субъекти сифатида қатнашади.

Мулкчиликнинг барча шакларидағи корхоналар давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлаш асосида амалга ошириладиган санациялаш объектлари ҳисобланishi мумкин.

Қўйидагилар давлат иштирокида биринчи навбатда санацияланади:

- Озиқ овқат ва ноозиқ-овқатлар, ҳалқ истемол товарлари ва дори ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- Давлат мудофаа қувватини ва хавфсизлигини кувватлашни таъминловчи корхона;
- ТОҒ-кон қазиш, энергетика, металлургия, кимё, машинасозлик саноати ва деҳқончилик мажмуи корхоналари;
- Фаолияти давлат томонидан бошқариладиган корхоналар.

Савол:

Санациялашнинг шакл ва усуслари қайсилар?

Жавоб:

Зарар кўриб ишловчи, тўлов қобилиятига эга бўлмагач ва иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш давлат маблағлари иштирокисиз ва иштироки билан ҳам пулга, ҳам пулсиз асосда, шу жумладан, танлов асосида амалга оширилади.

a. Давлат маблағларисиз санациялаш қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин.

- қарздор корхоналарга ҳўжалик юритувчи субъектнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг фаолиятининг давом этиши учун манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш.

• Иқтисодий ночор корхоналар дебиторларини ихтиёрий равишда тутатиш ёки уни ўз кредиторлари тўлов қобилияларини тиклаш мақсадида қонунчилик билан белгиланган тартибда бэнкрот деб зътироф этиш;

• Иқтисодий ночор қарздорни кимошли савдоси ёки танлов асосида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

b. Давлат маблағлари иштирокида санациялаш қўйидагича шаклларда амалга оширилади:

- Қарзлардан ўзаро воз кечишини ташкил этиш;
- Факторинг шаклида;
- Муддат узайтирилган қарзларни тўлиқ ёки қисман тўлаш;
- Ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қайта ихтисослаштириш;
- Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Савол:

Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунидаги (1998 йил 29 август) асосий иборалар қайсилар:

Жавоб:

Қўйидаги асосий иборалар қўлланилган:

Корпаратив қимматли қоғозлар — ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд ёки нақд бўлмаган ҳолда чиқарилган қимматли қоғозлар.

Нақд қимматли қоғозлар — қонун хужжатларида белгиланган тартибда пул хужжатлари шаклида тайёрланган ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар.

Нақд бўлмаган қимматли қоғозлар — қонуний хужокатларда белгиланган тартибда депозитарийларни хисобга олиш рўйхатларидаги ёзув шаклида муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар.

Қимматли қоғозларни хисобга олиш рўйхатлари — қимматли қоғозларни депозитарийларда сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган хукуқни хисобга олиш бўйича депозитар операциялар стандартлари билан белгиланган ёзувлар тизими.

Қимматли қоғозлар ҳаракати — депозитарларнинг хисобга олиш рўйхатларида қайд қилинадиган қимматли қоғозларга бўлган хукуқларнинг ўтиши.

Қимматли қоғозлар депозитарийлари — қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган хукуқни хисобга олиш бўйича фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозори институтлари.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозиторияси — Ўзбекистон Республикаси депозиторияларида қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган хукуқни хисобга олиш ва қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи депозитарий.

Қимматли қоғозлар эгаси — қимматли қоғозлар унга мулк хукуқи асосида ёки бошқача ашёвий хукуқ асосида тегишли бўлган шахс.

Депонент — депозитарий билан қимматли қоғозларни сақлаш ва унинг қимматли қоғозларга бўлган хукуқини хисобга олиш ҳақида шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс.

Депо ҳисоб вараги — депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган хукуқни хисобга олишга жами ёзувлар.

Гувоҳнома — депо ҳисоб варагидан кўчирма бўлиб, депонентнинг тегишли хукуқларини тасдиқлади.

Қимматли қоғозлар билан депозитар операциялар — қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган хукуқларни олиш бўйича депозитарийлар томонидан хисобга олиш рўйхатларида амалга ошириладиган операциялар.

Депозитар операциялар стандартлари — депозитар операциялар ўтказишнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлари ва қоидалари.

Депозитар шартнома — депозитарий билан депонент ўртасида ёзма шаклда тузиладиган, қимматли қоғозларни сақлаш ва

қимматли қоғозларга бўлган хукуқларни хисобга олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи шартнома.

Ваколатли давлат органи — қимматли қоғозлар бозори фалиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколати давлат томонидан берилган орган.

Савол:

Марказий депозитарийнинг мутлақ вазифалари нималардан иборат?

Жавоб:

Марказий депозитарий мутлақ вазифалари қуйидагилардан иборат:

- чиқарилган нақд бўлмаган қимматли қоғозларни сақлаш;
- давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган обьектларнинг нақд қимматли қоғозларини улар сотиб олгунга қадар бўлган даврда сақлаш;
- нақд ва нақд бўлмаган қимматли қоғозларга нисбатан давлат хукуқларини хисобга олиш;
- депозитарийларнинг вакиллик ҳисоб варагаларини юритиш;
- савдоларда тузилган битимларга мувофиқ биржа ва биржадан ташқари савдолар қатнашчиларига қимматбаҳо қоғозлар етказиб берилишини таъминлаш;
- нақд ва нақд бўлмаган қимматбаҳо қоғозлар муомалага чиқарилганигини тасдиқловчи хужжатларни сақлаш.

Савол:

Депонентнинг хукуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жавоб:

Хукуқлари:

• Депозитарийдаги ўзининг депо ҳисоб варагида бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва доирада тасарруф этиш.

• Депонентни депозитарийда ҳисобга олинадиган қимматбаҳо қоғозларини қимматбаҳо қоғозлар тасарруф этиш хукуқи: у депо ҳисоб варагига киритилган пайтдан эътиборан вужудга келади.

• Депозитарийга ўз депо ҳисоб вараги бўйича операцияларнинг амалга ошириш юзасидан топшириқ бериш, сўровларни топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги киритиш, топшириқлар ҳисботни талаб қилиш.

Мажбуриятлари:

- Ўзининг, ваколатли шахснинг ваколати тугатилиши ёки ўзгариши тўғрисида депозитарийни хабардор қилиш;
- Ўз реквизитларидаги барча ўзгаришлар ҳақида депозитарийга хабар бериш;
- Депозитарийнинг ёзма хабарлари тўғрилигини ва тўлалигини текшириш, агар ноаниқликлар борлиги аниқланадиган бўлса, улар ҳақида депозитарийга хабар қилиш;

Савол:

Депозитарийнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жавоб:

Хукуқлари:

- Белгиланган тартибда нақд қимматбаҳо қоғозларнинг ҳақиқийлигини текшириш;
- Белгиланган тартибда нақд қимматбаҳо қоғозларнинг инкассация қилиш ва ташиш;
- Депонентларнинг топшириғига биноан уларга тегишли қимматбаҳо қоғозлар бўйича даромадларни ўтказиш.

Мажбуриятлари:

- Ўзига сақлаш учун топширилган нақд ва нақд бўлмаган қимматбаҳо қоғозларнинг сақланишини таъминлаш;
- Ҳар бир депонентга тегишли қимматбаҳо қоғозларнинг турлари, сони ва номинал қийматини ҳисобга олиб бориш;
- Қимматбаҳо қоғозлар зиммасига мажбуриятлар юклагилган ҳоллар ва улар тутатилган ҳоллар ҳисобини юритиш;
- Депо ҳисоб вараклари бўйича операцияларнинг фақат ўз депонентларини ёзма топшириқлари асосида амалга ошириш;
- Депо ҳисоб вараклари ҳолатига ўзгартаришлар киритишга асос ҳисобланувчи барча бирламчи ҳужжатларни сақлаш.

Савол:

Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида қўлланилган асосий иборалар қайсилар? (1996.26.IV)

Жавоб:

Ушбу қонунда қуйидаги иборалар қўлланилган:

- Истеъмолчи — жисмоний шахс сифатида фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки хусу-

сий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқоро.

• Ишлаб чиқарувчи — истеъмолчига сотиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

• Ижрочи — маший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишининг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажариладиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

• Сотувчи — олли-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

• Шартнома — товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, һафъ ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма кёлишув;

• Норматив ҳужжатлар — стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидлари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармакопияси ҳамдә мувакқат фармакопия қоидлари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига бошқа ҳужжатлар.

• Товар (иш, хизмат) нинг хавфсизлиги — товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланишининг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишининг одатдаги шароитларида истеъмолчининг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилишининг эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги.

• Мувофиқлик сертификати — сертификатланган маҳсулотниң белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

• Товар (иш, хизмат) нинг нуқсони — товар (иш, хизмат) дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб кўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меснат ва вакт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;

• Кафолат муддати — товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддат ёки товар

(хизмат) нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жарёнида қанча км масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичилаш ишлаб чиқарувчи, башарти товарни ишлатиш қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг сифатига нисбатан норматив хужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлади ва таъминлади.

- Хизмат муддати — товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;
- Касса чеки — товарнинг сотиб олинганлиги ёки бажарилган ишнинг ҳаки тўланганлигини тасдиқлайдиган, товарнинг (иш, хизмат) нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган хужжат.
- Товар чеки — товарни сотиб олинганлиги ёки ҳақи ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи товар, иш, хизматнинг баҳоси, манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган хужжат.

Савол:

Истеъмолчиларнинг асосий ҳукуқлари нималар?

Жавоб:

- Товар (иш, хизмат) ҳақида, ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш.
- Товар (иш, хизмат) ни эрkin танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши.
- Товарнинг хавфсиз бўлиши.
- Бузилган ҳукуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни химоя қилинишини сўраб судга мурожаат қилиш.
- Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланиши тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим. Истеъмолчи товар ҳақидаги нотўғри маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товарнинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи маҳсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Савол:

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) нинг товар сотгандан кейинги кафолик мажбуриятлари нимада?

Жавоб:

Узоқ муддат фойдаланишнинг барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгиланиши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига обтилган ёки хизмат кўрсатилишан кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқирилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат) нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормалашини таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун хужжатларидан бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат) нинг паспортидан ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа хужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этилиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташлангандан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиётларни ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маший кимё товарларида улар ишлаб чиқирилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

Савол:

Товар бозоридаги истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг қандай ҳуқуқлари бор?

Жавоб:

Нуқсонли товар сотилганда истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз ҳоҳишига қараб қўйидаги ишлардан бирини талаб қилишга ҳақли:

- Товарни айнан шундай маркали мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;
- Товарни бошқа маркали шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- Харид нархини нуқсонга мутонасиб камайтириш;
- Шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Савол:

Нуқсонли товарни сотиб олингандан кейин алмаштириб бериш тартиби қандай?

Жавоб:

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, бузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқланган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга 7 қунлик муддатда, товар сифатини кўшимча текшириш зарур бўлганда эса, ичдиа алмаштириб бериши шарт. Ана шу муддатлардан ўтказиб юборган тақдирда ҳар бир кун учун сотувчи истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бирга товар баҳосини бир фойзи миқдорида пеня тўлади.

Савол:

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш қандай?

Жавоб:

Давлат истеъмолчиларни товар сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини тасдиқлади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек судлар ҳимоя қиласидар.

Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маҳсус ваколат берилган давлат органлари кўйидагилар:

- Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга вакил қилинган орган;
- Ўзбекистон Давлат стандартлаш метрология ва сертификация маркази;
- Ўзбекистон Республика табиатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси ва ҳ.к.

Савол:

Лизинг тушунчasi нимани билдиради (Ўзбекистон Республикаси «лизинг тўғрисида»ги қонуни, 1999 йил 14 апрель)?

Жавоб:

Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчи) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) хақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда берib қўйиш мақсадида мол-мulkни олади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи – лизинг берувчи – лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи – лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг обьектлари бўлиб тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган, истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа қўчар-қўчмас мулклар бўлиши мумкин.

Ер участкалари ва бошқа табиат обьектлари шунингдек, эркин муомалада бўлиши қонун хужжатлари билан тақиқланган мол-мulk лизинг обьекти бўлиши мумкин эмас.

Лизинг субъектларига лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи киради.

Савол:

Лизинг турларини сананг?

Жавоб:

Лизинг молиявий ва оператив лизингларга бўлинади.

Молиявий лизингда:

- лизинг шартномаси тугагач, лизинг обьекти лизинг олувчининг мулкига ўтади;

- лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатидан 80% дан ортиқ бўлади.

Агар лизинг шартномасида молиявий лизинг талаблари бўлмаса, у ҳолда оператив лизинг бўлади.

Савол:

Лизинг фаолияти нима?

Жавоб:

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчининг ўз маблағи ва қарз маблагларини инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тури – лизинг фаолиятидир.

Савол:

Лизинг шартномаси қандай тузилади?

Жавоб:

Лизинг шартномаси ёзма шаклда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида тузилади.

Агар лизинг олувчи жисмоний шахс бўлса, лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Лизинг шартномасининг муҳим шартлари қўйидагилар:

- лизинг объектининг тавсифланиши (микдори, сифати, қўйматининг кўрсатилиши;

- тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ маҗбуриятлари;
- лизинг объектини бериш тартиби;
- лизинг тўловларини тўлаш тартиби;
- лизинг объектидан фойдаланиш;
- шартномани амал қилиш муддати.

Савол:

Лизинг берувчини ҳуқуқ ва маҗбуриятлари нималардан иборат?

Жавоб:

Ҳуқуқлари:

- лизинг олувчининг объектдан қандай фойдаланаётганини назорат қилиш;
- лизинг олувчи розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;

- қонун ҳужжатларида ва лизинг шартномасида назарда тутилган холларда лизинг олувчидан объектни олиб қўйиш;
- лизинг олувчи шартномани бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан аввал ёки етказилган зарарни ундириб, ёки объектни қайтиб олиб шартномани бекор қилишни талаб қилиш.

Мажбуриятлари:

- лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиши хамда фойдаланиш учун бериш;
- лизинг олувчи мол-мулк олаётгандан буни сотувчига маълум қилиши;
- шартномада кўзда тутилган холларда объектни сақлаб турish, таъмирлаш, унга техник хизмат кўрсатиш.

Савол:

Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва маҗбуриятлари нималардан иборат?

Жавоб:

Ҳуқуқлари:

- лизинг обьектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;
- сотувчига лизинг обьекти олди-сотди шартномасидан келиб чикувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати ва бутлиги, топшириш муддати ва хокозолар хусусида талаблар қўйиш;
- лизинг обьекти етказиб берилмаган тақдирда, обьектидан воз кечиш ва шартномани бекор қилишини талаб қилиш.

Мажбуриятлари:

- лизинг обьектини қабул қилиб олиш ва ундан лозим даражада фойдаланиш;
- лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб турishi;
- лизинг олувчининг обьектни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуки ва маҗбурияти сотувчи билан алоҳида шартномада белgilаниш мумкин.

Савол:

Лизинг обьекти билан боғлиқ хавфларни қандай тушунасиз?

Жавоб:

Лизинг обьекти билан боғлиқ барча (тасодифан йўқолиши ёки бузилиши, ўғирланиши, тез эскириши, шикастланиши) хавфлар шартномада белgilаниши бўйича лизинг олувчига ўтади. Хавфлар

лизинг олувчига ўтган пайтдан эътиборан лизинг олувчи обьектнинг ҳар қандай пайтда йўқотилиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади. Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт шартномада белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига ўтади.

Савол:

Лизинг субъектларининг жавобгарлиги нималардан иборат?

Жавоб:

Лизинг берувчи мол-мulkни етказиб бермаганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, муддатни ўтказиб юборганлик учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлади. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотовчига нисбатан лизинг обьектининг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотовчи улар олдида лизинг обьектини олди-сотди шартномасидан келиб чикувчи мажбуриятларни бажариш юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотовчи лизинг обьекти билан боғлик айнан бир зарар учун берувчи олдида жавобгар бўлмайди.

Оператив лизингни амалга оширишда лизингга берилган лизинг обьектидан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинли

килувчи камчиликлар учун лизинг берувчи жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи лизинг обьектининг лизинг шартномасин тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчи айби билан лизинг обьектининг йўқолиши уни лизинг берувчи олдида жавобгарлиқдан озод этмайди.

Савол:

Хўжалик юритиш субъектларини мулкий жавобгарлиги қандай?

Жавоб:

Барча хўжалик юритиш субъектлари ўз мажбуриятлари юзасидан тўла мулкий жавобгар бўладилар.

Хўжалик юритиш субъектининг мулкий жавобгарлиги мулккагалик қилиш хукуқий ёки хўжаликни тўла юритиш ёки оператор ташкил этилади.

Юридик шахс ташкил этмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган жисмоний шахслар ўз мажбуриятларни юзасидан ўзларининг жами мол-мulkлари билан мулклари бўлмаган тақдирда ўз қарзлари бўйича белгиланган тартибни миқдорда жавобгар бўлади.

Ёлланма ишчилар хўжалик юритиш субъектларининг қарзлари бўйича мулкий жавобгар бўлмайди.

Савол:

Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш тўғрисидағи қонунида (1993 йил 28 декабрь) стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари қандай аниқланган?

Жавоб:

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

- маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда «маҳсулот» деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мulkига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;
- маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бирбирига мос келишини таъминлашдан;
- фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда ҳалқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;
- барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;
- ижтимоий-иктисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;
- табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда ҳалқ хўжалиги обьектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;
- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ноҳменклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;
- мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;
- ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатdir.

Савол:

Ўзбекистон давлатида стандартлаштириш тизими қандай ташкил этилган?

Жавоб:

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Республика стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

- ҳалқ хўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификация маркази («Ўздавстандарт»);
- курилиш, курилиш индустриси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва курилиш кўмитаси;
- табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишидан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси;
- тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ташёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилсаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Савол:

Стандартлаштириш жараёни қандай ўтказилади?

Жавоб:

«Ўздавстандарт» ушбу Қонунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишининг умумий қоидаларини манфаатдор тонри билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усууларини белгилайди.

«Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси, соглиқни сақлаш Вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошқа ташкилотларга топширишга ҳақлидирлар;

Стандартларни тасдиқлаган органлар стандартларга доир ахборот жамғармаларини ҳосил қиласидилар ва юритадилар ҳамда манфаатдор истеъмолчиларни ҳалқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги ҳалқаро шартномалар, техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий ахборотлар давлат классификаторлари, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар билан таъминлайдилар.

Стандартларни нашр қилиш ва қайта нашр этишини уларни тасдиқлаган органлар амалга оширадилар.

Савол:

Стандартлаштиришда қандай норматив ҳужжатлар ишлатилади?

Жавоб:

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир куйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

- ҳалқаро (давлатлароаро, минтақавий) стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасининг стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари;

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби «Ўздавстандарт» томонидан белгиланади.

Савол:

Стандартлар устидан қандай Давлат назорати ўрнатилган?

Жавоб:

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллиқли бошқа қонун ҳужжатларига, стандартлаштиришга устидан давлат назорати «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва уларнинг худудий органлари, шунингдек бошқа маҳсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Идоравий бўйсунувчи ва мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, ўзингдек тадбиркорлик фаолияти билан шугуланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқидини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати обьекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

- стандартларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикаси бош давлат инспекторлари;
- стандартларни назорат қилиш бўйича вилоят, шаҳар бош давлат инспекторлари;
- стандартларни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Савол:

Ўзбекистон Республикасининг маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунининг асосий тушунчалари қайсилар?

Жавоб:

Мазкур қонунда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилган:

- «сертификатлаштириш миллий тизими» — давлат ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;
- «маҳсулотларни сертификатлаштириш» — маҳсулот оид фаолият;
- «мувофиқлик сертификати» — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашрилган ҳужжатлар;
- «мувофиқлик белгиси» — муайян маҳсулот ёхуд хизматаник стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлиги кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган тартибда рўйхатга доир ҳужжатга кўйиладиган белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

• «бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими» — айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими;

• «синов лабораториясини аккредитация қилиш» — синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини ёки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларнинг расмий эътирофи.

Савол:

Сертификатлаштиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат?

Жавоб:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;
- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

• мамлакат корхоналари, кўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

- истеъмолчини тайёрловчининг (сотовчининг, ижрочининг) виждансизлигидан ҳимоя қилиш;
- маҳсулот тайёрловчиси (сотовчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

Савол:
Маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қандай бўлади?

Жавоб:
Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш «Ўздавстандарт» зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига (уларни албатта аккредитация қилган ҳолда) юклатилиди.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ёки сақлаш хавфсизлагини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Мажбурий сертификатлаштириш норматив ҳужжатларининг талабларига мувофиқ маҳсулот хусусиятини аниқлаш уни сишаши, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораторияси (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усуllарда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усуllарда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтгазишга сарфланган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига кўшилади.

Савол:

Четдан олиб келинадиган ва четта олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш қандай олиб борилади?

Жавоб:

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўздавстнадарт» томонидан берилган яъни эътироф этилган мувофиқ сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофилик белгилароф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона Назорати органларига юкка таалуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тағдирда божхона назорати орғанлари бу ҳусусда «Ўздавстнадарт»ни хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни таъкиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилайди.

Савол:

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг (1998 йил 29 август) қонуни моҳияти ва вазифалари нимадан иборат?

Жавоб:

Ушбу Қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг хукуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг хукуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларицинг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

Савол:

Хўжалик шартномаси томонларининг хукуқлари қандай?

Жавоб:

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда куйидаги хукуқларга эга:

- хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабатлари билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

- хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хуносаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

- давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асосланган ёзма жавоблар олиш;
 - бошқа тарафларнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;
 - хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини кўллаш.
- Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Савол:

Хўжалик шартномаси томонларининг мажбуриятлари қандай?

Жавоб:

Хўжалик шартномаси тарафлари:

- хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;
- тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажарилшлари шарт.

Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Савол:

Хўжалик шартномасига нисбатан кўйиладиган талаблар қайсилар?

Жавоб:

Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лоизоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб кўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Хўжалик шартномасини тузища тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳукуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шаклларига) амал қилишлари мумкин.

Контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириувчи жойлашган ерда тузилади. Конрактация шартномасида бошқа талаблар билан бир қаторда етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозим.

Савол:

Хўжалик шартномасининг шакли ва уни тузиш.

Жавоб:

Хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифи қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Агар шартнома тузиш таклифи юқорида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Савол:

Кайси шароитларда хұжалик шартномасини үзгартыриш ва бекор қилиш мүмкін?

Жағоб:

Агар қонун хұжжатларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилған бұлмаса, хұжалик шартномасы тарафларнинг келишувига мувофиқ үзгартырилиши ва бекор қилиниши мүмкін.

Хұжалик шартномасы қандай шактда тузилған бўлса, тарафларнинг уни үзгартыриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишви ҳам шундай шактда амалга оширилади.

Хұжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бosh тортишга ёки хұжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама үзгартыришга йўл кўйилмайди, қонун хұжжатларда ёки шартномада назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан хұжалик шартномаси хұжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тарафлама шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилған бошқа ҳолларда үзгартырилиши ёки бекор қилиниши мүмкін.

Тарафлардан бирининг хұжалик шартномасини бузиши иккичи тарафга у хұжалик шартномасы тузишда умид қилишга ҳақли булған нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хұжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани үзгартыриш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилған ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланған муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса - ўтиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хұжалик шартномасини үзгартыриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиш мүмкін.

III. БЎЛИМ. ТЕСТЛАР МАРКЕТИНГ НАЗАРИЯСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Тест — 1

Савол: Бозор мөхиятини аниқланг.

Жавоблар:

1. Олди-сотди муносабатлари йигиндиси.
2. Товарлар (хизматлар) ни ишлаб чиқариш жараёнидан токи истеъмолчига етиб келгунча амалга ошириладиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар мажмуйи.
3. Бозор — кишилар эҳтиёжини қондириш жойи.
4. Бозор — товарлар тақлиф қилиш жойи.
5. Бозор — иктисодий айирбошлаш шакли (соҳаси).
6. Бозор — мавжуд потенциал харидорлар йигиндиси.

Тест — 2

Савол: Маркетинг нимани билдиради?

Жавоблар:

1. Бозордаги муносабатларни.
2. Бозорни ўрганиш ва истиқболини аниқлаш.
3. Товар (хизмат) лар ишлаб чиқариш фоясини режалаштириш, нархлаштириш, тайёр маҳсулотлар тақсимотини ва сотилишини ташкил этиш орқали истеъмолчилар ва улар гурухи тарабларини қондиришга эришишни.
4. Бозорда вужудга келадиган иктисодий муносабатларни активлаштиришга эришишни.
5. Конъюнктурани ўрганиш ва башорат қилишни.
6. Бозорда иктисодий мақсадларга эришишни.

Тест — 3

Савол: Бозор қонунлари қайсилар?

Жавоблар:

1. Товар муомалаларини бошқарадиган қонунлар.
2. Талаб ва тақлиф, қиймат, пул муомалалари, самарадорликнинг сўниб бориши.
3. Товар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган қонунлар.

- Бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари.
- Жавоблар ноаниқ.

Тест — 4

Савол: Эҳтиёж нима?

Жавоблар:

- Инсон, гурухлар ва жамиятнинг моддий ва маънавий дунёни истеъмол қилишга бўлган муносабатлари.
- Талабнинг бир шакли.
- Борлик дунёни истеъмол қилишга бўлган талаб.
- Ҳаёт кечиришни қондирилишини билдиради.
- Эҳтиёж — кучли таъсир этувчи омил.

Тест — 5

Савол: Талаб нимани билдиради?

Жавоблар:

- Эҳтиёжнинг харид қобилияти (имконияти) билан таъминланган қисмини.
- Эҳтиёжнинг бир шаклини.
- Товар ва хизматларни сотиб олишни.
- Талаб — бу шунчаки эҳтиёж.
- (товар) хизматларга бўлган эҳтиёжнинг намоён бўлиши.

Тест — 6

Савол: Таклиф нима дегани?

Жавоблар:

- Аҳоли ва ташкилот (фирмалар) истеъмоли учун бозорга чиқарилган товар (хизмат) лар.
- Талабни қондириш учун ишлаб чиқилган товарлар.
- Эҳтиёж ва талабнинг бир шакли.
- Бозорга олиб чиқладиган товарлар ёки хизматлар.
- Истеъмолчиларга сотилган товар ёки хизматлар.

Тест — 7

Савол: Талаб ва таклиф қонуни моҳиятини изоҳланг.
Жавоблар:

- Талаб ва таклифларнинг бир-бирига муносабатлари.
- Бозорга чиқарилган товар (хизмат) ларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши.
- Инсонлар эҳтиёжини қондириш жараёни.

- Талаб ва таклифнинг диалектик ва мувозанатга интилиши ўзаро бирлиги.
- Товарларни бозорларга етказиб бериш билан боғлиқ жараён.

Тест — 8

Савол: Бозорнинг аҳамияти нимада?

Жавоблар:

- Боқимандалик асоратидан жамиятни қутқариш, аҳоли эҳтиёжи ва талабини тўлароқ қондириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.
- Аҳолига кўпроқ иш жойлари яратиш ва товар (хизмат) ларни ишлаб чиқишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш.
- Демократияни ривожлантириш ва барчага ўз ҳуқуқини бериш.
- Аҳоли талабини тўлароқ қондириш мақсадида иш жойлари ташкил қилиб, маҳсулот ишлаб чиқиш.
- Бозор талабини ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжини олдиндан кўра билиш.

Тест — 9

Савол: Тадбиркорлик ва бизнес нима?

Жавоблар:

- Бозорни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллар.
- Тадбиркорлик ўзбек тилида ва бизнес халқаро миёсдаги тушунча бўлиб, маълум фойда олиш мақсадида иш юритиш.
- Савдо-сотиқ ишларини ўюстириш.
- Фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш.
- Иккови ҳам бир хил маънога эга.

Тест — 10

Савол: Маркетинг фани предметини изоҳланг?

Жавоблар:

- Товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчи га етиб боришини ўргатади.
- Товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи талабларини қондириш ҳамда ўз маҳсулотини сотиш учун янги имкониятларни қўлга киритиш жараёнидаги хатти ҳаракатларини ташкил этиш мантиқи, шакллари, услубларини ифодаловчи назарий ва амалий тамойиллар мажмуидан иборат.

3. Иқтисодий категорияларни (бозор, товар, баҳо ва бошқа) комплекс равищда ўрганиш ва тадқиқ қилиш:

4. Ҳаридорлар эҳтиёжини имкони борича тұлароқ қондириш мақсадыда ва бозор ҳолатини асосли ўргатиш.

5. Замонавий ишлаб чиқаришда корхона бозорини ўрганиш асоси, таҳлил қилиш, истиқболини аниқлаш ва талаб тан, баҳо, сотиш ва уларни рағбатлантириш, реклама ва шунга ўхшашларни ўргатади.

Тест — 11

Савол: Маркетинг турларидан қайсиси тұғри?

Жавоблар:

1. Тижорат ва нотижорат истеъмол товарлари.
2. Ишлаб чиқариш воситалари, товар ва хизматлар.
3. Тижорат ва нотижорат истеъмол товарлари, хизматлар ва бошқалар.
4. Күллаб кувватловчи, қарама қарши ҳаракатланувчи.
5. Ремаркетинг, демаркетинг ва шу кабилар.

Тест — 12

Савол: Бозорнинг таркиби қайсилар?

Жавоблар:

1. Ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва воситачилар.
2. Талаб, таклиф ва баҳо.
3. Ижтимоий маҳсулот ва хизматларни сотыш, баҳолар ҳаракати, ишлаб чиқариш воситалари.
4. Истеъмол товарлар ва хизматлар бозори (маҳсулот ёки хизмат, тақсимот).
5. Ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ва қимматбаҳо қоғозлар бозори.

Тест — 13

Савол: Маркетинг тамойиллари қайсилар?

Жавоблар:

1. Аниқ бозорни танлаш ва эҳтиёжнинг қондирилишини тәмминлаш.
2. Фақат сотилиши мүмкін бүлгап товарни ишлаб чиқариш.
3. Бүлажак ҳаридорни билиб олиш.
4. Аниқ бозорда эҳтиёжни қондириш ва рақобатчини ўрганиш.

5. Бозор иқтисодиёти шароитларida корхона ишлаб чиқариш, сотиш фаолиятини бошқариш тұғрисидаги илмий асосланған тасаввурлар таснифицир.

Тест — 14

Савол: Маркетинг талабларининг қайсилари тұғри?

Жавоблар:

1. Ҳар қандай фирма, бозорга киришдан олдин ўз олдига мақсадлар күйиши (қайси жойда, қачон, қайси миңдорда).
2. Бозорни барча шарт-шароитларига тұлароқ мослашиши.
3. Ҳаридорлар талабига фаол равищда мослашиш.
4. Турли хил фаолиятларни бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда иш олиб бориш (ютуққа (фойдага) эришишни күзде туғиши.
5. Бозорга киришда фойданы күзлаш, бозорга ҳар томоннама ёндашиш, бозорнинг шарт-шароитларига тұла мослашиш, бозорда узоқ муддат фаолият күрсатиш ва унда катта фаоллик билан ишлаш.

Тест — 15

Савол: Маркетинг мақсалларининг тұғрисини аниқланг.

Жавоблар:

1. Мұлжалланған бозорни әгаллаш ва ғоялар сотишни күттейтириш.
2. Корхона ва товарлар тұғрисида яхши фикрни шакллантириш.
3. Эҳтиёжни қондириш даражасини күтариш, фойдана ошириш, бозорга янги товарлар чиқариш.
4. Эҳтиёжнинг қондирилиши даражасини күтариш, фойдана ошириш, бозорга янги товарлар чиқариш, мұлжалланған бозорни әгаллаш, товар сотишни күптайтириш, корхона ва товарлар тұғрисида яхши фикрни шакллантириш.
5. Барча жавоблар нотұғри.

Тест — 16

Савол: Баҳо нимани билдиради?

Жавоблар:

1. Товар ва хизмат қийматининг пулдаги ифодаси.
2. Баҳо талабга таъсир этувчи омил.
3. Баҳо — бу талаб қайишқоқыпининг ўзгаришига олиб келади.
4. Бозорда аниқ улушта зерттеуден күзде туғылған фойданы олиш.
5. Барча жавоблар тұғри.

Тест — 17

Савол: Маркетинг мұхити нимани билдиради?

Жавоблар:

1. Фирма ёки унинг юқори ташкилотлари фаолиятига таъсир күрсатувчи ижтимоий — иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар мажмуди.
2. Назорат қилинадиган технологик жараён, молия ахволи, ташкилий тузилиши, бозорни танлаш ва бошқалар.
3. Олий раҳбарият томонидан бошқариладиган омиллар.
4. Корхона бошқарувининг бозор йўналиши, бозорда, корхонанинг барқарор ҳолати ва фойда олишни (билдиради).
5. Тўғри жавоблар йўқ.

Тест — 18

Савол: Маркетинг дастури нима дегани?

Жавоблар:

1. Корхона имкониятларини бозор талабларига мослаштиришга йўналтирилган таҳлил, режалаштириш ва назорат қилиш жараёнӣ.
2. Корхонанинг махсус фаолиятларига мўлжалланган қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастури.
3. Корхонанинг мўлжалланган мақсадга эришиш ва уни бажарилишини назорат қилиш.
4. Корхонанинг мўлжалланган мақсадага мөнбадиҳа муддатли назорат қилиш.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест — 19

Савол: Маркетинг дастури таркибини аниқланг?

Жавоблар:

1. Ишлаб чиқариш, молия, баҳо, кадрлар, реклама, сотиш ва бошқаларни амалга ошириш ҳаражатлари ва натижаларини режалаштириш тизими.
2. Корхонанинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишини кўзлаган узоқ муддатли мақсадни аниқлаш.
3. Корхонанинг имкониятлари таҳлили, ривожланиш мақсадларини аниқлаш, корхона стратегиясини ишлаб чиқиш, режани ишлаб чиқиш, назорат қилиш.
4. Ривожланиш мақсадларини аниқлаш.
5. 2—3 жавоблар ҳақиқатга яқин.

Тест — 20

Савол: Корхона (фирма) ва бозор тушунчаларининг қандай боғлиқлиги бор?

Жавоблар:

1. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот фақат бозорларда сотилади.
2. Бозор ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёни.
3. Корхона ва бозор тушунчалари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Корхона ва фирмалар фаолияти фақат бозор орқали амалга оширилади.
4. Бозор — товар муомаласи доираси бўлиб, у орқали товар қиймати сотилади.
5. Бозорда товарлар ва хизматлар айирбошланади.

Тест — 21

Савол: Маркетинг, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўзаро боғлиқлигини аниқланг.

Жавоблар:

1. Маркетинг ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни қамраган иқтисодиётнинг барча соҳаларига бўлган қарашларни ифодалайди. Бизнес оламида нимаки қилинаётган бўлса, бу маркетингни ифодалайди.
2. Бизнеснинг энг мұхим элементлари тадбиркорлик ва маркетингдир. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва уни бошқариш.
3. Маълум бир соҳа ва тармоқларда ишлатилган материаллар техника ва технологияни ўзлаштириш ва ишлаб чиқиши жорий қилиш маркетинг, бизнес ва тадбиркорлик билан боғлиқ.
4. Маркетинг — бизнес ва тадбиркорликнинг назарий ва услугий асосидир.
5. Учала сўз ҳам бир хил маънони билдиради.

Тест — 22

Савол: Ижтимоий маркетинг нима дегани?

Жавоблар:

1. Ижтимоий гоялар ва амалий ҳаракатни кишилар онгига сингдириш мақсадида кўрсатмалар ишлаб чиқиш, бажариш, ҳаётга татбиқ этиш ва назорат қилиш жараёни.
2. Бирон-бир гоя кучайтиришга қаратилган кишиларга таъсир этиш ва назорат қилиш.

3. Бозорни сегментлаш, харидорларни ўрганиш, турли фикрлар ишлаб чиқиш, алоқа қилишнинг турли хил йўлларини ахариб топиш.

4. Ижтимоий ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, қишлоқларда фикр уйғотиш, фикр алмашувини йўлга қўйиш.

5. Ўзини тутишнинг айrim меъёр ва одатларини тарбиялаш.

Тест — 23

Савол: Консьюмеризм нима?

Жавоблар:

1. Истеъмолчилар хукуқини ҳимоя қилиш тартибини ишлаб чиқариш ва ҳаётга жорий этиш.

2. Сотувчилар хукуқини ҳимоя қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш.

3. Давлат ташкилотларининг сотувчига нисбатан хукуқ ва таъсирини кучайтириш.

4. Истеъмолчиларнинг хукуқ ва таъсирини кенгайтириш мақсадида фуқароларнинг ташкилий ҳаракати.

5. Сотувчининг хукуқ ва таъсирини кенгайтириш мақсадида фуқаролар ва давлат ташкилотларининг ташкилий ҳаракати.

Тест — 24

Савол: Бихеъворизм нима?

Жавоблар:

1. Истеъмолчилар товарни таңлаш ва харид қилиш жараёнидаги хатти-ҳаракатларининг руҳий томонларини ўрганиш, уларнинг товар сотиб олишга нималар сабаб бўлишини аниқлаш.

2. Истеъмолчиларнинг товар сотиб олиш томонлари билан боғлиқ жараён.

3. Товар харид қилишда истеъмолчиларнинг руҳий томонларини ўрганиш.

4. Товарлар сотиб олишда истеъмолчиларга таъсир этувчи омиллар мажмуи.

5. Товар сотиб олишга (йўналтирилган) нималар сабаб бўлишини аниқлашга ихтисослашган маркетинг йўналиш.

Тест — 25

Савол: Макромаркетинг нима дегани?

Жавоблар:

1. Макромаркетинг мамлакатнинг жами хўжалиги миқёсидаги маҳсулотларни яратиш ва унинг пировард истеъмолчига томон кўчиши.

2. Бутун мамлакат бўйича моддий бойликларни ва хизматлар оқимини бошқаришни тартибга солишдан иборат.

3. Концерн, ассоциация, вазирликлар даражасидаги бозор муаммоларини ечимини топиш.

4. Корхона миқёсидаги бозор фаолияти.

5. Корхона (фирма) ёки унинг юқори ташкилотлари фаолиятига таъсир кўрсатиши.

Тест — 26

Савол: Микромаркетинг нима дегани?

Жавоблар:

1. Корхона ишлаб чиқаришини шакллантириш.

2. Товарлар ва хизматларнинг тайёрловчидан истеъмолчига етказиб бериш.

3. Фойдаланувчига бориш оқимини бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолияти.

4. Фирма (корхона) миқёсидаги бозор фаолияти.

5. Концерн, ассоциация, вазирликлар даражасидаги бозор муаммолари.

Тест — 27

Савол: Тижорат маркетинги нима?

Жавоблар:

1. Очиқ сектор мустақил харидорлар ва сотувчилар чекланмаган доираси ҳисобланади.

2. Товар бозорининг ёпиқ секторида конъюнктурани шакллантиришга мос бўлган хусусият.

3. Конъюнктура омилларининг чекланган таъсири, бозор нархларининг нисбий барқарорлигига эга бўлиш.

4. Товарлар ва хизматлар билан боғлиқ фойда ва нақд пул олиш.

5. Бозор талабларига йўналтирилган савдо сиёсатининг барча йиғиндиси, яъни унинг асосида харидорни ва талабни билиш ассортиментини ўрганиш, нарх сиёсати, реклама ва бошқалар.

Тест — 28

Савол: Нотижорат маркетинги нима?

Жавоблар:

1. Жамоатчилик манфаатлари ёки бирон-бир гоя йўлида фаолият олиб бораётган, фойда олишга интилмайдиган соҳа ва кишилар маркетинги.
2. Ташкилотлар, худудлар ва фоялар, шунингдек, товарлар ва хизматлар билан боғлиқ.
3. Ташкилотларнинг муваффақият ёки омадсизлиги соғмолиявий томонидан ўлчаммайди.
4. Товар бозорининг ёпиқ секторида конъюнктурани шакллантиришга мос бўлган хусусият.
5. Тўғри жавоб йўқ.

Тест — 29

Савол: Маркетингнинг вазифалари қайсилар?

Жавоблар:

1. Ташки мұхитни кузатиш, корхона фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш, мол сотуви ва хизматларнинг бажарилишини рағбатлантириш.
2. Корхона фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш, молларнинг анвойи навларини яратиш, моллар ҳаракати ва уларнинг сотувини режалаштириш.
3. Ҳозирги замон бозорида фаолият кўрсатиш илми, технологияси ва санъатидан иборат.
4. Ички ва ташки мұхитни таҳлил қилиш, бозор истеъмолчилар рақобат ва истеъмолчиларни ўрганиш.
5. Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишини уюстириш.

Тест — 30

Савол: Ички маркетинг мұхити нима?

Жавоблар:

1. Корхона фаолияти билан боғлиқ бозордаги мавжуд омиллар.
